

Ал-Ваъй

480
сон

Қирқинчи йил
мўҳаррам 1448й
июль 2026й



КЕНГ ҚАМРОВЛИ, ҒОЯВИЙ, МАЪРИФИЙ ЖУРНАЛ

Ал-Ваъй
Минбар

ТИНКАСИ ҚУРИГАН РОССИЯ ВА ЯДРОВИЙ ЧЕГАРАЛАР

ТРАМП МАЪМУРИЯТИ АҚШНИ
ҚАЕРГА ЕТАҚЛАМОҚДА? (1)

МАРОКАШ РЕЖИМИ САЛИБЧИ ФРАНЦИЯНИНГ
“БАРБАРЛАР ФАРМОНИ”
ФИТНАСИНИ ҚАЙТА ЧЎҒОТМОҚДА

ИНСОН: ХАЛИФАЛИК ОМОНАТИ ВА
ФОНИЙ ДУНЁ САРОБИ ОРАСИДА

РАҚАМЛИ ВАЛЮТАЛАР: ОДАМЛАР
ЖАМҒАРМАЛАРИНИ ТАЛОН-ТОРОЖ
ҚИЛИШ ВА МОЛИЯВИЙ
ГЕГЕМОНИКНИНГ ДАВОМ ЭТИШИ



ТИНКАСИ ҚУРИГАН РОССИЯ ВА ЯДРОВИЙ ЧЕГАРАЛАР	3
ТРАМП МАЪМУРИЯТИ АҚШНИ ҚАЕРГА ЕТАКЛАМОҚДА? (1)	15
РАҚАМЛИ ВАЛЮТАЛАР: ОДАМЛАР ЖАМҒАРМАЛАРИНИ ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИШ ВА МОЛИЯВИЙ ГЕГЕМОНИКНИНГ ДАВОМ ЭТИШИ.....	26
ИНСОН: ХАЛИФАЛИК ОМОНАТИ ВА ФОНИЙ ҲАЁТ САРОБИ ОРАСИДА.....	37
АБДУЛЛОҲ ИБН АБДУЛЛОҲ ИБН УБАЙ ИБН САЛУЛ	40
ЯХШИЛИК ВА ЁМОНЛИКНИНГ ИЛОҲИЙ МЕЗОНИ	45
ОЛАМДАГИ МУСУЛМОНЛАР ХАБАРЛАРИ	50
ҚАТАР АМЕРИКА ВА ҒАРБ ДАВЛАТЛАРИНИНГ ИСЛОМ ОЛАМИДАГИ НУФУЗИНИ САҚЛАБ ҚОЛИШГА ШОШИЛМОҚДА	50
ИОРДАНИЯ ҲУКУМАТИ ПОЙТАХТ АММОН МАРКАЗИДА ҒАЗО БИЛАН БИРДАМЛИК ЮРИШИ ЎТКАЗИЛИШINI ТАҚИҚЛАДИ.....	51
ҚИРҒИЗИСТОН ҲУКУМАТИ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ САММИТИ АРАФАСИДА ПРОВОКАЦИОН ЧОРАЛАРНИ КУЧАЙТИРМОҚДА	52
МАРОКАШ РЕЖИМИ САЛИБЧИ ФРАНЦИЯНИНГ «БЕРБЕРЛАР ФАРМОНИ» ФИТНАСИНИ ҚАЙТА УЙҒОТМОҚДА	54
ЯХУД ЎЗИНИ БУЮК САНАЙ БОШЛАДИ: БУ УНИНГ ЗАВОЛИДИР!.....	62
АДЛ ВА БАРЧА РЕЖИМЛАРНИ КЎМАЖАК РОШИД ХАЛИФАЛИК!	



ТИНКАСИ ҚУРИГАН РОССИЯ ВА ЯДРОВИЙ ЧЕГАРАЛАР**Саир Салама Абу Молик**

Россия халқаро иқтисодий форуми бўлиб ўтаётган бир вазиятда, Санкт-Петербург атрофидаги энергетика иншоотлари узра кўтарилган қуюқ тутун шунчаки иқтисодий тадбирнинг тасодикий фони эмас эди. Бу Украинага бостириб кирилганидан бери ўтган йиллар давомида Россия кириб қолган уруш гирдобининг моҳиятини очиб берувчи сермазмун бир манзарадир. Кремль ўзининг халқаро иқтисодий витринаси, инвесторлар ва шерикларни жамлаган «буюк давлат» қиёфасини тиклаш майдони сифатида танлаган ушбу шаҳар, бирданига дронлар сояси, ҳаво ҳаракатининг чекланиши ва хавфсизлик оҳанглари ичида қолди.

Бу фақат Санкт-Петербургга тегишли эмас. Россиянинг ичкари ҳудудларидаги, ҳатто Москва атрофидаги нефтни қайта ишлаш заводлари, портлар, ёнилғи омборлари ва авиабазаларга уюштирилаётган кетма-кет ҳужумлар муҳим стратегик бурилишдан далолат беради: эндиликда уруш фақат Украина ичкарасидаги тўқнашув чизиғи ёки чегара олди ҳудудлари билан чекланиб қолгани йўқ. Муҳораба олови Россия тарихан урушнинг тўғридан-тўғри товонидан омон қоламан деб ўйлаган марказий ҳудудларнинг юрагига қадар етиб борди. Бу ҳақиқат Россиянинг буткул қулаганини ёки рақибларига зарар етказиш қобилиятини йўқотганини аңлатмайди. У ҳамон улкан армияга, кенг қамровли ҳарбий саноатга, беқиёс табиий бойликларга ва одам кучини сафарбар қилиш имконига эга бўлган ядровий державадир. Бироқ ушбу уруш мавжуд имкониятларни тезкор анъанавий ғалабага айлантиришда, ички ҳудудларни тўлиқ химоя қилишда ва иқтисодиётни узок муддатли уруш гирдобидида талафотсиз сақлаб қолишда Россиянинг имкониятлари чегараланган эканини фош қилиб кўйди.

Шундай экан, масала Россиянинг бардош бера олишида эмас — у камида яқин истикболда бунга қодир — балки асосий муаммо урушнинг «нархи»дир. Уруш чўзилгани сари Россия нималарни бой бермоқда? Унинг қўлидаги куч воситалари майдондаги секин илгарилашни аниқ сиёсий ва стратегик ғалабага айлантиришга етарлими? Ёки у шунчаки рақибига озор беришга қурби етадиган, аммо урушга узил-кесил нуқта қўйишдан ожиз бўлган «тинкани қуритиш» босқичига кириб қолдими?



Украинанинг сўнгги зарбалари ушбу саволларга тўлиқ жавоб бўла олмаса-да, улар чуқурроқ бир ҳақиқатни очиб бермоқда: Украинани қисқа муддатда тиз чўктиришни кўзлаб уруш бошлаган Россия, бугунги кунда урушни чўзишга ва уни Россия ичкарасига кўчиришга қодир бўлган рақиб билан юзма-юз турибди. Бу эса Кремлни ўз ресурсларини фронт, ҳаво ҳудуди мудофааси, энергетика хавфсизлиги ва йирик шаҳарлар ҳимояси ўртасида тақсимлашга мажбур қилмоқда.

Фронт чизиғидан ичкари ҳудудлар муҳорабасига қадар

Эски анъанавий урушларда ҳал қилувчи жанглар асосан фронт чизиғида кечган: бир армия илгариланган, иккинчиси чекинган, шаҳарлар қўлдан қўлга ўтган ва логистика йўлаклари ўзгарган. Аммо Россия ва Украина ўртасидаги бугунги тўқнашувда «фронт» тушунчаси беқиёс даражада кенгайиб, чирмашиб кетди. Эндиликда уруш фақат хандақлар, истеҳкомлар ва мина майдонларидан иборат эмас, балки электр тармоқлари, нефтни қайта ишлаш заводлари, аэропортлар, ўқ-дори омборлари, экспорт портлари ва алоқа тизимларини ҳам ўз ичига олган улкан майдонга айланди. Шу боис, Украинанинг Россия ичкарасига йўллаётган зарбаларини шунчаки қасос олиш ёки қуруқ пропаганда деб баҳоламаслик керак. Бу — босқинни бошлаган тарафнинг елкасига уруш товонини илдириб қўйишга қаратилган яхлит стратегик мантиқнинг бир қисмидир. Агар Россия ўз ракета ва дронлари билан Украина шаҳарларини, энергетика тизимини ер билан яксон қилаётган бўлса, Украина ҳам Россиянинг уруш машинасини молиялаштирувчи ва қувватлантирувчи манбаларни — нефть, ёнилғи, қайта ишлаш тармоқлари, темир йўллари ва авиабазаларини нишонга олиш орқали муносиб жавоб қайтаришга уринмоқда.

Бу ерда нефтни қайта ишлаш заводларининг (НҚИЗ) нишонга олиниши алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, бундай иншоот фақат иқтисодий объект эмас, балки бир вақтнинг ўзида ҳарбий, иқтисодий ва ижтимоий тугун ҳисобланади. У ердан ҳарбий техника ва авиация учун ёнилғи олинади, давлат ғазнасига валюта олиб келувчи маҳсулотлар экспорт қилинади ва ички бозорнинг барқарорлигини таъминловчи арзон бензин ҳамда дизель етказиб берилади. Демак, заводга берилган зарба — шунчаки бинони вайрон қилиш ёки ёнғин чиқариш эмас, балки душманни мудофаа, таъмирлаш ва таъминот учун қўшимча, оғир маблағлар сарфлашга мажбур қилишдир. Ушбу урушдаги муваффақият доим ҳам вайроналар кўлами билан ўлчанмайди. Гарчи зарар бир неча ҳафтада тикланса-да, зарбаларнинг сурункали тус олиши давлатни ўз ҳаво ҳудуди мудофаасини қайта тақсимлашга, ишлаб чиқариш режаларини ўзгартиришга ва минглаб ҳарбийларни доимий мудофаа ҳолатида сақлашга мажбур қилади. Бундай узок давом этадиган



«тинкани куритиш» урушида (War of Attrition) ушбу билвосита харажатларнинг салмоғи бевосита курол-яроғ йўқ қилинишидан кам эмас.

Россиянинг бу борадаги муаммоси фақат мудофаа воситаларининг етишмаслигида эмас. Тўғри, Россияда С-300, С-400 ва «Пансир» каби зич ва замонавий ҳаво ҳудуди мудофаа тизимлари мавжуд. Бироқ Россия ҳудудининг ҳаддан ташқари кенглиги, стратегик объектларнинг кўплиги ва дронларнинг уларни уриб туширишга сарфланадиган ракета­лардан анча арзонлиги мукам­мал мудофаани амалга ошириб бўлмас вазифага айлан­тирмоқда. Ҳар бир ҳимояланган объект — бошқа бир объектнинг заифлашуви демакдир. Москвани ёки бирор стратегик аэропортни ҳимоя қилиш учун олиб келинган ҳар бир батарея, фронт чизи­ғидаги қўшинларнинг усти очик қоли­шини англатади. Дронлар муҳорабасининг энг улкан маъноларидан бири шундаки, бугунги кунда ҳарбий устунлик фақат стратегик бомбардимончи самолётлар, танклар ёки кемалар каби кам сонли, лекин улкан ва қимматбаҳо платформаларга эга бўлиш дегани эмас. Замонавий зафар — минглаб арзон воситаларни ишлаб чиқариш, уларни юқори аниқликда йўнал­тириш, разведка ва кузатув тизим­ларига жипслаштириш ҳамда рақибни кичик, аммо сурункали хавфларга қарши фалаж қилувчи қимматбаҳо ракета­ларни сарфлашга мажбур қилиш демакдир.

Россиянинг «Ядровий Учили­ги»: Тийиб турувчи кучми ёки майдондаги ожизлик?

Уруш жараёнини таҳлил қилишдаги энг хатарли хатолардан бири — ядровий салоҳият билан анъанавий ҳарбий қудратни бир-бирига қориштириб юборишдир. Россия дунёдаги энг йирик ядровий арсеналлардан бирига эга, бу унга халқаро муносабатларда улкан стратегик вазн бахш этади. Бироқ бу салобат унинг армиясига анъанавий узоқ муддатли урушда ўз-ўзидан ғалаба келтирмайди.

Россиянинг «Ядровий Учили­ги» (ядровий триадаси) учта асосий таянчга асосланган:

Биринчиси — Қуруқликдаги кучлар: Ерусти шахталарида ёки ҳаракатланувчи платформаларда жойлашган қитъаларни забт этувчи баллистик ракета­лар. Бу энг тезкор ва мустаҳкам тийиб турувчи куч бўлиб, қисқа вақт ичида ядровий калла­кларни қитъалараро масофага етказишга қодир.

Иккинчиси — Денгиз кучлари: Баллистик ракета­лар билан қуролланган ядровий сув ости кемалари. Бу куч — биринчи зарбадан омон қолиш ва қақшатқич жавоб қайтаришнинг энг асосий кафолатидир. Денгиз қаъридаги сув ости кемаларини



топиш ва йўқ қилиш ўта мушкул бўлгани боис, улар «иккинчи зарба» бериш имкониятини сақлаб қолади.

Учинчиси — Ҳаво кучлари: Узоқ масофага учувчи Ту-95МС ва Ту-160 каби стратегик бомбардимончи самолётлар. Улар нафақат ядровий қурол ташийти, балки анъанавий узоқ масофали қанотли ракеталарни ҳам учуриш имконига эга. Россия Украинадаги урушда айнан мана шу платформалардан фойдаланмоқда.

Ушбу «Учлик»нинг мағзи шундаки, одатий шароитда рақиб Россиянинг ядровий салоҳиятини бир зарба билан йўқ қила олмайди. Агар авиабазалар хавф остида қолса, ердаги ракеталар ва сув ости кемалари қолади. Агар шахталар нишонга олинса, самолётлар ва кемалар жангга киради. Шу боис, Россия улкан ядровий тийиб турувчи куч бўлиб қолмоқда ва буни назар-писанд қилмаслик ёки ўз қийматини йўқотган деб ҳисоблаш асло тўғри бўлмайди. Бироқ бу қудратнинг вазифаси анъанавий армиянинг вазифасидан тубдан фарқ қилади. Ядровий қурол, аввало, давлатнинг мавжудлигига таҳдид солувчи ҳалокатли мағлубиятнинг олдини олиш ёки йирик давлатлар (НАТО каби) коалициясининг бевосита ҳарбий аралашувига йўл қўймаслик учун мўлжалланган.

Аммо Украинадаги каби урушда — Россия қўшни давлатга қарши жанг қилаётган, рақиб эса Ғарбнинг қурол-яроғи, пули ва разведкасига таянаётган, лекин НАТО қўшинлари майдонга бевосита кирмаган вазиятда — ядровий қуролдан фойдаланиш ўта хатарли ва «нархи» бекиёс даражада қиммат вариантдир. Чунки ядровий бомба мина майдонлари орқали йўл очиб бермайди, офицер ва аскарлар етишмовчилигини ҳал қилмайди, эски танкларни замонавийга айлантирмайди, вайрон бўлган заводларни тикламайди ва дронлар ҳужумини тўхтата олмайди. Аксинча, унинг қўлланилиши халқаро ҳамжамиятнинг кескин ва кутилмаган реакциясига сабаб бўлади, Россиянинг яққаланишини кучайтиради ва минтақавий инқирозни умумий жаҳон ҳалокатига айлантиради. Шу сабабли, ядровий «Учлик» Россияга кучли стратегик ҳимоя тақдим этса-да, у анъанавий урушдаги тизимли муаммоларни ҳал қилишга қодир эмас. Бунинг устига, Россиянинг ядровий соҳадаги лойиҳалари ҳам зиддиятлардан ҳоли эмас: Москва ўз ракета ва кемаларини янгилашга интилса-да, саноат ва технология соҳасидаги орқада қолишлар, улкан лойиҳаларни бир вақтда амалга оширишдаги қийинчиликлар Кремлнинг режаларига ўз «тузатишларини» киритмоқда.

«Оққуш»: У нима ва нима учун муҳим?

Руслар «Блэкжек» (НАТО таснифи бўйича *Blackjack*) номи билан машҳур бўлган **Ту-160** стратегик бомбардимончи самолётини эркалаб «Оққуш» деб атайдилар. Бу



дунёдаги энг йирик ва энг тезкор товушдан тез учувчи ҳарбий самолёт бўлиб, унинг ҳаракатланувчи қанотлари ва оппоқ ранги шунчаки чирой учун эмас — бу ранг ядровий портлашдан чиқадиган иссиқлик нурланишини қайтариш учун махсус ишлаб чиқилган. У Россия ҳарбий ҳаво кучларининг нафақат энг машҳур тимсоли, балки ядровий «Учлик»нинг ҳаво қанотидаги асосий устунидир.

Ту-160 «стелс» (кўринмас) самолёт эмас. У Американинг айрим ядровий бомбардимончилари каби душман ҳаво ҳудудига сезиларли даражада ичкарилаб киришга таянмайди. Унинг асл кучи — узок масофали қанотли ракеталарни улкан масофалардан туриб учира олиш қобилиятидир. Очик маълумотларга кўра, у ўз қуролхонасида 12 тагача ядровий ёки анъанавий каллакли ракеталарни таший олади.

Шу боис, унинг аҳамияти шунчаки «бомбардимончи» тушунчасидан анча кенг. Бу — Россияга масофадан туриб зарба бериш, тийиб турувчи огоҳлантириш сигналларини йўллаш ва анъанавий муҳорабаларда қанотли ракеталардан самарали фойдаланиш имконини берувчи стратегик платформадир. Ҳисоб-китобларга кўра, Россия арсеналида бундай самолётлардан тахминан 15 та атрофида мавжуд (нисбатан эски ва секинроқ бўлган Ту-95МС самолётлари эса кўпроқни ташкил этади). Бироқ уруш олови ушбу «ҳаво гигантлари»нинг ҳам нозик нуқталарини фош қилиб қўйди. Самолётлар узок масофага уча олиши уларнинг дахлсизлигини англатмайди. Улар учун базалар, учиш-қўниш йўлаклари, махсус ёнилғи, таъмирлаш цехлари, ўқ-дори омборлари ва энг муҳими — кучли ҳаво мудофааси керак. Украинанинг Россия стратегик авиация базаларига уюштирган ҳужумлари шуни кўрсатдики, ҳатто ноанъанавий воситалар (арзон дронлар) ёрдамида ҳам бу улкан базаларга етиб бориш ва Кремль учун оғриқли зарбалар бериш мумкин.

Очик манбалардаги таҳлилларга кўра, 2025 йил июнь ойидаги Украинанинг «Ўргимчак тўри» деб номланган амалиёти натижасида еттита Ту-95 самолёти йўқ қилинган ва яна биттасига шикаст етказилган. Бу эса Россияни ўз стратегик самолётларини фронтдан анча узокдаги, тарқоқ базаларга кўчиришга мажбур қилди. «Оққуш»ларнинг оммавий қириб ташлангани ҳақидаги хабарларга эҳтиёткорлик билан ёндашиш керак бўлса-да, бир ҳақиқат кундай равшан: бу ҳужумлар Москвани ўз авиациясини қайта тақсимлашга, мудофаа чораларини кучайтиришга ва қўшимча логистик харажатларни бўйнига олишга мажбур этди. Стратегик ҳужумнинг асл қиймати ҳам айнан мана шунда. Рақиб ғалаба қозониши учун бутун бошли флотни йўқ қилиши шарт эмас. Душманни ўз самолётларини ҳар томонга сочиб юборишга, базаларини ўзгартиришга, ҳимоя учун ортиқча куч сарфлашга ва таъмирлаш ишларини кечиктиришга мажбур қилишнинг ўзи



етарлидир. Санокли ва ўрнини тўлдириш ўта мушкул бўлган бундай қимматбаҳо куроллар учун бу — тинкани қуритувчи оғир стратегик зарбадир.

Россиянинг анъанавий ҳарбий қудрати: Қулаш эмас, тинкани қуритиш

Россия ҳарбий жиҳатдан буткул ожиз қолди, деган хулосага келиш ёки унинг армияси тез орада парчаланиб кетишини кутиш — ҳақиқатдан йироқдир. Россия армияси ҳамон нуқтали аниқ ҳужумлар уюштириш, ракета ва дронлар билан ёппасига зарба бериш, янги кучларни сафарбар қилиш ва собиқ Иттифокдан қолган улкан захираларни қайта тиклаш қобилиятига эга. Шунингдек, у кенг кўламли ҳарбий-саноат базасига таянмоқда. Бироқ бу имкониятлар «тинкани қуритиш» ҳақиқатини инкор этолмайди. Россиянинг бугунги қудратини — ҳарбий амалиётларни бир маромда ушлаб туриш учун тобора баландроқ товон тўлаётган, аммо яшаб қолишга уринаётган куч сифатида тушуниш лозим.

Кремлнинг асл режаси босқиннинг илк кунларидаёқ Украина раҳбариятини фалаж қилиб, Киевни тез фурсатда тиз чўктириш эди. Аммо пойтахт остонасидаги мағлубият, сўнгра Мариупол, Бахмут ва Авдеевка каби шаҳарлардаги қонли муҳорабалар Россияни мутлақо бошқача — шиддатли бомбардимон, тинимсиз ҳужум тўлқинлари ва ўқ-дориларни беҳисоб сарфлашга асосланган секин илгарилаш моделига ўтишга мажбур қилди. Ушбу модель доирасида Россиянинг айрим «устунликлари» бор. У аҳоли сони ва иқтисодий жиҳатдан Украинадан каттароқ, сафарбарлик ресурслари кенгроқ ва талафотларга бардош бериш имкони юқори. Шунингдек, у Шимолий Кореядан ўқ-дори, Хитойдан саноат компонентлари ва Эрондан дрон технологияларини олиш орқали ўз тешикларини ямаб келмоқда. Аммо бу «ютуқлар» ортида тизимли заифликлар яширинган:

Биринчидан, инсоний талафотлар. Ҳар қандай йирик уруш каби рақамлар сир сақланса-да, профессионал таҳлилчилар Россиянинг 2022 йил февралидан бери кўрган йўқотишлари Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда ҳеч бир буюк давлат дуч келмаган даражада улкан эканини таъкидламоқдалар. Айрим тахминларга кўра, 2026 йил бошига келиб Россиянинг ҳалок бўлган, яраланган ва бедарак кетган аскарлари сони миллиондан ортиб кетиши мумкин. Энг ёмони — сон эмас, сифат йўқотилмоқда. Оддий аскарнинг ўрнини янги сафарбар этилганлар билан тўлдириш мумкин, аммо тажрибали офицер, малакали танкчи ёки авиация мутахассисининг ўрнини тўлдириш учун йиллар ва машаққатли тайёргарлик талаб этилади.

Иккинчидан, техника талафоти. Россия уруш давомида сон-саноксиз танклар ва зирҳли техникаларини йўқотди. Эски совет танкларини омборлардан чиқариб,



«ямаб-ясқаб» фронтга ташлаш билан сон жиҳатдан мувозанат сақланаётгандек кўринса-да, сифат жиҳатдан бу катта орқага кетишдир. 50 йил аввалги танк қанчалик таъмирланмасин, дронлар ва замонавий ракеталар билан тўлган майдонда бугунги кун талабларига жавоб бера олмайди.

Учинчидан, тоvon ва натижа ўртасидаги номутаносиблик. Рус қўшинлари айрим йўналишларда илгариланган бўлса-да, бу ютуқлар йўқотилган жон ва техникага нисбатан жуда «арзон» кўринади. Кунига бир неча ўн метр ёки ойлаб давом этган жанглар эвазига бир неча километр юриш тактик харитани ўзгартириши мумкин, аммо бу уруш тақдирини ҳал қилувчи стратегик бурилиш ясай олмайди.

Тўртинчидан, мутлақ ҳаво устунлигининг йўқлиги. Россия улкан авиацияга эга бўлишига қарамай, Украина осмонида тўлақонли ҳукмронлик ўрната олмади. Украина ҳаво муҳофаазининг қаршилиги рус самолётларини ичкарига киришдан кўрқиб, узоқ масофадан ракета учириш ва бошқарилувчи бомбалар ташлаш билан чекланишга мажбур қилди. Буларнинг барчаси шуни англатадики, Россия ҳамон ҳавфли рақиб, аммо у идеал бўлмаган шароитларда, «жон талвасасида» ҳаракат қилмоқда. Унда бомбардимон қилиш кучи бор, лекин эркин учиш имкони йўқ; илгариланган қудрати бор, лекин кескин ғалаба йўқ. Улкан моддий ва инсоний массага эга бўлса-да, Россия ҳар куни ўз келажаги ва ҳарбий салоҳиятининг сифатини қурбон қилмоқда.

Уруш иқтисодиёти: Бардошми ёки келажакни қурбон қилиш?

Россияга оид таҳлилларда энг кўп учрайдиган хатолардан бири — фақат санкцияларнинг ўзигина унинг иқтисодиётини тез фурсатда тиз чўктиради, деб ҳисоблашдир. Россия иқтисодиёти 2022 йилдан кейин инқирозга юз тутгани йўқ, аксинча, энергия экспортини қайта йўналтириш, Хитой ва Ҳиндистон билан савдо алоқаларини кучайтириш ҳамда ҳарбий саноатга улкан давлат маблағларини сарфлаш орқали босимларга мослашишга уринди. Бироқ бардош бериш — фаровонлик дегани эмас. Заводларнинг туну кун ишлаши тараққиётни англатмайди. Танк ва снарядлар ишлаб чиқаришнинг кўпайиши иқтисодиётнинг келажакдаги барқарор салоҳиятини белгилаб бермайди.

Урушнинг илк йилларида ҳарбий харажатлар иқтисодиётга зоҳирий бир «туртки» берди: ҳарбий заводлар ишчилар билан тўлди, давлат ўқ-дори сотиб олди, аскарларга берилаётган юқори маош ва мукофот пуллари ҳудудларга нақд пул оқимини олиб кирди. Аммо бу манзара ортида аччиқ ҳақиқат яширин: уруш иқтисодиёти ресурсларни шундай «ютадики», у ҳеч қандай фуқаровий қиймат



яратмайди. Бир кунда отилган ракета на мактаб, на фуқаровий завод, на транспорт тизими ва на янги экспорт имкониятини бунёд этади. У шунчаки портлайди ва йўқ бўлади. Бугунги кунда Россия иқтисодиётида толиқиш аломатлари якқол кўзга ташланмоқда: ўсиш суръати пасайган, инфляция ва нақд пул босими кучайган, фоиз ставкалари кўтарилган ва ишчи кучи тақчиллиги юзага келган. 2024 йилдаги нисбатан юқори ўсишдан сўнг, 2026 йил бошига келиб Россия иқтисодиёти чораклик пасайиш (рецессия) босқичига кирди. Йиллик ўсиш прогнозлари эса ниҳоятда ачинарли аҳволда.

Бунинг сабаби фақат санкциялар эмас. Урушнинг ўзи ишчи кучини фуқаровий сектордан тортиб олиб, армия ва ҳарбий заводларга сафарбар қилди. Мудофаа саноатидаги иш ҳақининг баландлиги бошқа соҳаларга босим ўтказмоқда. Ўн минглаб юқори малакали мутахассисларнинг мамлакатни тарк этиши, технология ва хорижий инвестицияларнинг чекланиши иқтисодиётни мувозанатли ривожлантириш имконини сўндириб бормоқда. Шунингдек, Россиянинг энергия экспортига таяниши унга куч бағишласа-да, айна пайтда рақиблари учун «оғрикли нукта» бўлиб хизмат қилмоқда. Портлар ва нефть иншоотларининг нишонга олиниши давлатни дарҳол кулатмаса-да, Россия иқтисодиётини нархлар тебранишига ниҳоятда сезувчан қилиб қўяди. Бу Кремлни экспорт ва ички истеъмол ўртасида қийин танлов қилишга, айрим ҳудудларда ёнилғи тақчиллиги ва қимматчилигига дуч келишга мажбур этади. Масаланинг энг чуқур жиҳати шундаки, уруш Россияни «сафарбарлик иқтисодиёти»га айлантириб қўйди. Бу йўлдан қайтган сари ундан чиқиш қийинлашиб бораверади. Ҳарбий заводлар доимий буюртма талаб қилади, армия аскарларни ушлаб туриш учун улкан молиявий имтиёзларга муҳтож, давлат эса ички норозилик ва инфляция оқибатларини яшириш учун тобора кўпроқ қарз олишга мажбур.

Хулоса қилиб айтганда, Россия ҳали ҳалокат ёқасига келиб қолди дейиш — соддалик бўлар эди. Бироқ у ўта мураккаб тенглама қаршисида турибди: урушни давом эттириш мумкин, лекин унинг иқтисодий, ижтимоий ва стратегик баҳоси кундан-кунга ортиб бормоқда. Урушдан кейинги мувозанатни тиклаш эса борган сари имконсиз вазифага айланмоқда. Бу — босқинчи ва мустамлакачи кучларнинг ўз ҳирс-туйғулари йўлида ўз келажагини қандай қурбон қилаётганига якқол мисолдир.

Хитой ва Шимолий Корея: Суянчиқми ёки мутлақ нажоткор?

Россия ўз урушида ёлғиз эмас. Унинг ўқ-дори, дрон ва техника ишлаб чиқариш ҳамда мавжуд арсенални таъмирлаш қобилияти турли даражадаги хорижий шериклар тармоғига боғланиб қолган.



Бу ерда Хитой энг муҳим иқтисодий ва технологик шерик сифатида гавдаланади. Россияга айнан Хитой орқали электрон компонентлар, саноат дастгоҳлари, рақамли бошқарув воситалари, эҳтиёт қисмлар, двигателлар ва икки хил мақсадда қўлланиладиган (ҳам ҳарбий, ҳам фуқаровий) материаллар оқиб келмоқда. Бу Хитойнинг урушда бевосита иштирок этаётганини англатмайди, албатта, лекин унинг тижорий, техник ва саноат дастаги Россияга Ғарб санкцияларининг захрини кесиш ва чекловларни четлаб ўтиш имконини берди. Шимолий Корея эса ўқ-дори ва айрим ракеталарнинг муҳим етказиб берувчисига айланди. Бу Кремлга ўз заводларидаги босимни енгиллатиш ва фронтдаги «олов зичлигини» сақлаб туриш учун йўл очди. Пхенян билан ҳарбий ҳамкорлик энди шунчаки рамзий маънога эга эмас, балки «тинкани куриштиш» урушининг ажралмас таъминот занжирига айланиб улгурди.

Бироқ бу суянчиқнинг бошқа тарафи ҳам бор. Узоқ йиллик ҳарбий-саноат аъёналарига эга бўлган Россия каби «буюк давлат»нинг урушнинг ҳал қилувчи палласида ташқарига — ўқ-дори, дастгоҳ ва технология учун муҳтож бўлиб қолиши диққатга сазовордир. Бу Россиянинг стратегик мустақиллиги расмий ташвиқотлар айтганидан кўра анча тор эканидан далолат беради. Албатта, ҳар қандай уришаётган давлат шерикларга муҳтож, аммо кучни оширадиган шериклик билан ишлаб чиқаришнинг давомийлиги учун «шарт»га айланиб қолган қарамлик ўртасида фарқ каттадир.

Ғарб ҳам чарчаган: Лекин бу «чарчоқ» бошқача

Айни дамда, Ғарбни захиралари ҳеч қачон тугамайдиган туганмас хазина сифатида тасвирлаш ҳам хатодир. Украинадаги уруш Ғарб мудофаа саноатининг ҳам жиддий нуқсонларини очиб ташлади. Зеро, ўн йиллар давомида Европа тупроғида бундай йирик кўламли давлатлараро уруш бўлмайди, деган хомхаёл ҳукм сурган эди. Маълум бўлдики, кўплаб Ғарб армиялари кунига минглаб ракета ва снарядлар сарфланадиган муҳорабаларга эмас, балки «юқори сифат ва чекланган захира» тамойилига асосланган экан. Натижада, артиллерия снарядлари, «Патриот» каби ҳаво мудофаа тизимлари ва танкка қарши ракеталар захираси жиддий босим остида қолди.

Муаммо шундаки, бугунги кунда фақат Украина эмас, балки дунёнинг бошқа нуқталаридаги беқарорликлар ҳам Ғарбнинг чекланган ҳарбий ресурсларига «харидор» бўлиб турибди. Шу боис Ғарб пойтахтларида энди нафақат «Украинага қанча қуrol берамиз?», балки «Ўзимизга қанча олиб қоламиз?», «Захираларни тиклаш учун неча йил керак?» деган саволлар кўндаланг бўлмоқда. Бироқ Ғарбнинг «тинкаси куриши» Россияниқидан тубдан фарқ қилади: Ғарбда улкан



иктисодий, технологик ва молиявий база мавжуд. Агар сиёсий ирода бўлса, бу салоҳиятни узоқ муддатли ҳарбий ишлаб чиқаришга йўналтириш мумкин. Ғарбнинг муаммоси маблағ ёки технология етишмаслигида эмас, балки қарор қабул қилишнинг суствлиги ва сафарбарлик иктисодиётининг йўқлигидадир. Шунга қарамай, Европа аллақачон ҳаракатга тушди. Дронлар, ўқ-дори ва ҳаво мудофааси ишлаб чиқариш кенгаймоқда. Ғарбнинг ёрдами шунчаки «омбордаги бор-будини бериш»дан, Украина ва Европа заводларидан тўғридан-тўғри қурол сотиб олишни молиялаштириш босқичига ўтди. 2026 йилнинг илк ойларида Европанинг дронлар учун ажратган маблағлари кескин ошди ва бу Украинанинг Россия ичкарасига тинимсиз зарба бериш қобилиятини таъминлаётган асосий омилдир.

Хуллас, Ғарб тайёр захираларнинг камайишидан азият чекаётган бўлса, Россия анча кенгроқ ва ҳалокатлироқ инқироз ичида: у инсоний ресурс, техника, фуқаровий иктисодиёт ва технологияларнинг тинимсиз емирилиши билан юзма-юз. Якуний натижа эса, қайси тараф ўз ишлаб чиқариш қувватини сиёсий ва иктисодий жиҳатдан «қўтара оладиган» даражага етказа олишига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Украинага бу кучни ким бермоқда ва нима учун айнан ҳозир?

Украинани шунчаки ташқи кучларнинг қўғирчоғи деб аташ қанчалик нотўғри бўлса, уни Россияга қарши мутлақо ёлғиз жанг қилаётган давлат деб тасаввур қилиш ҳам шунчалик ҳақиқатдан йироқдир. Украинанинг бугунги ҳарбий салоҳияти учта асосий омилнинг ўзаро уйғунлиги натижасидир:

Биринчи омил — Украинанинг тўпланган тажрибаси. Бир неча йиллик уруш давомида Украина кенг қўламли дрон саноатини, мослашувчан ҳарбий инновация муҳитини ва мавжуд платформаларни тезкорлик билан ўзгартириш қобилиятини шакллантирди. Разведка маълумотларини зарбалар билан боғлаш ва майдондаги тажрибадан келиб чиқиб қуролларнинг янги версияларини яратиш борасида катта ютуқларга эришди.

Иккинчи омил — Ғарб дастағи. Бу ўз ичига молиялаштириш, тайёргарлик, ҳаво мудофааси, ўқ-дори таъминоти ва разведка маълумотларини алмашишни олади. Бу ёрдам доимо бир хил бўлмагани ва турли сиёсий чекловларга учрагани рост, бироқ у Украинанинг қулашига йўл қўймасликда ва мудофаадан ичкари ҳудудларга зарба бериш қобилиятига ўтишида ҳал қилувчи роль ўйнади.

Учинчи омил — уруш моҳиятининг ўзгариши. Узоқ масофага учувчи дронлар стратегик ракеталардан анча арзон ва уларни кўп миқдорда ишлаб чиқариш



мумкин. Энг муҳими, уларни қўллаш учун Ғарбнинг узоқ масофали ракеталари каби ҳар сафар ташқи сиёсий рухсат талаб этилмайди. Бу эса Украинага мустақил ташаббус кўрсатиш учун кенг имконият яратди.

Нима учун айнан ҳозир? Чунки бундай қобилият тўсатдан пайдо бўлиб қолмайди. Украинага саноатни қуриш, операторларни тайёрлаш, разведка маълумотларини жамлаш, моделларни синовдан ўтказиш ва Россия мудофаадаги заиф нуқталарни аниқлаш учун вақт керак эди. Шунингдек, Европа 2025-2026 йилларга келиб, уруш тақдири фақат анъанавий Ғарб қуролларига боғлиқ эмаслигини тушуниб етгач, дронлар ва қўшма ишлаб чиқаришни молиялаштиришни кескин оширди. Зарбаларнинг кучайиши Киевнинг Москвага муҳим бир муждани етказиш истаги билан ҳам боғлиқ: узоқ давом этувчи уруш фақат бир томонлама бўлмайди. Агар Россия ўз аҳоли сони ва саноат салоҳияти Украинанинг бардошидан каттароқ эканига пул тикаётган бўлса, Украина Россиянинг иқтисодий ва логистик юрагига бериладиган босим Кремлнинг сиёсий ҳисоб-китобларини ўзгартиришга мажбур қиладиган даражада қимматга тушишига ишонмоқда.

Бугунги кунда Россиянинг ҳарбий ҳолатини аниқ бир тенглама билан ифодалаш мумкин: Россия ҳамон хавфли куч бўлиб қолмоқда, бироқ у урушдан олдин ўзига нисбат берилган «мутлақ ҳаракат эркинлиги»дан маҳрум бўлди. У кенг қўламли ракета ва дрон ҳужумларини уюштиришга, Украина инфратузилмасига жиддий зиён етказишга, минглаб янги аскарларни сафарбар қилишга, айрим йўналишларда илгарилашга, ўз саноат ва тарихий захираларидан фойдаланишга ҳамда Ғарбнинг бевосита ҳарбий аралашувидан ҳимояланиш учун ядровий қурол билан таҳдид қилишга қодир.

Аммо тўрт йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса-да, Россия урушни бошлашдан кўзлаган асосий мақсадларига эриша олмади: Киев қулатилмади, у ерда Москвага содиқ ҳукумат ўрнатилмади, Украина давлатчилиги йўқ қилинмади, Ғарб ёрдами тўхтатилмади ва энг муҳими — Россия ўз иқтисодий ва ҳарбий ичкарасини зарбалардан асраб қола олмади. Ҳақиқий бурилиш нуқтаси ҳам айнан шунда. Гап Россиянинг барча куч-қудратини йўқотганида эмас, балки урушдан олдин етарли деб туюлган ҳарбий воситаларнинг қаршилиқ кўрсатишга қарор қилган ва Ғарбнинг улкан саноат базасига таянган давлатга қарши тезкор ғалаба қозониш учун ожизлик қилганидир. Россия «яшин тезлигидаги уруш» (блискриг) кутган давлатдан, узоқ давом этувчи уруш гирдобига ботган давлатга айланди. Бундай ўтиш шунчаки тактик ўзгариш эмас, балки давлат учун — унинг армияси, иқтисодиёти, жамияти, саноати ва йўқотишларни бошқаришдаги сиёсий иродаси учун оғир синовдир.



Хотима: Куч тушунчасини қайта белгилаётган уруш

Украинанинг Россия ичкарасига бераётган зарбалари уруш янги босқичга кирганидан далолат беради. Энди савол фақатгина «Донбассдаги фалон қишлоқни ким назорат қиляпти?» деган гапдан иборат эмас. Эндиги асосий савол: «Қайси томон уруш товонини рақибининг ички ҳудудлари учун чидаб бўлмас даражада қимматга тушира олади?»

Россия ҳамон улкан ядровий қудратга, йирик армияга ва жангни давом эттириш имкониятига эга. Бироқ ядровий тийиб туриш омили анъанавий ҳарбий куч ўрнини босолмайди, инсоний талафотларни қопламайди, сиёсий ғалабани кафолатламайди ва дронларнинг нефть заводлари, авиабазалар ва аэропортларга етиб боришини тўхтата олмайди. «Оққуш» (Ту-160) ўзининг бор салобати ва рамзий маъноси билан мана шу зиддиятни яққол ифодалайди: Россия ядровий қудратининг бир бўлагини ташувчи бу улкан бомбардимончи самолёт хавфсиз базага, мураккаб таъмирлашга, кучли ҳимояга ва қимматбаҳо мудофаа чораларига муҳтож. Демак, янги даврда куч фақатгина улкан техникаларга эга бўлиш билан эмас, балки ўша техникани босим остида қанчалик ҳимоя қила олиш, ишлаб чиқариш ва ўрнини тўлдира олиш қобилияти билан ўлчанади.

Ғарб эса «тинчлик даври иқтисодиёти» билан узоқ муддатли уруш олиб бориб бўлмаслигини англаб етди. Бироқ ундаги бойлик, технология ва саноат базаси, агар катъий сиёсий ирода бўлса, ўз салоҳиятини қайта тиклашга имкон беради. Украина эса урушни ниҳоятда оғир мудофаа ҳолатида бошлаганига қарамай, маҳаллий тажриба, ташқи дастак ва дронлар соҳасидаги инновациялар эвазига уруш оловини Россия ичкарасига кўчира олди. Шундай қилиб, асл муҳораба дрон ва завод ўртасида ёки бомбардимончи ва авиабаза ўртасида эмас. Бу — икки хил куч модели ўртасидаги курашдир: бири арсенал, масса ва кўрқитишга таянган куч, иккинчиси эса доимий ишлаб чиқариш, мослашувчанлик, инновация ва тинкани қуритувчи урушга бардош беришга асосланган куч. Бу курашда Россия ҳали кулагани йўқ, лекин у аввалгидек «дахлсиз» ҳам эмас. У тобора кўпроқ сафарбарликка, ҳарбий харажатларга ва хорижий шерикларга қарам бўлиб бормоқда. Бу эса Кремль чизмоқчи бўлган — «катта уруш бошлаб, унинг бадалини тўламасдан, жамият ва иқтисодиётни четда сақлаб қолиш» ҳақидаги манзарадан жуда узоқдир. Золимларнинг бундай таназзули, шубҳасиз, мазлумлар учун нажот ва адолат тонги яқинлигидан бир нишонадир.



ТРАМП МАЪМУРИЯТИ АҚШНИ ҚАЕРГА ЕТАКЛАМОҚДА? (1)

Муаллиф: Исом Шайх Ғоним

Доналд Трамп юритаётган йўналишни тушуниш ва унинг мақсадини белгилаш учун, аввало, Американинг бугунги воқелигини англаш лозим. Зеро, бу маъмурият айнан мана шу воқеликдан келиб чиқиб, Американинг халқаро мавқеини мустаҳкамлашга, уни юксалтиришга ёки инқирозини тўхтатишга ҳаракат қилмоқда. Бусиз маъмуриятнинг йўналиши ҳақида гапириш шунчаки фаразларга таяниш бўлиб қолади, натижада ҳақиқат ҳаёл ва истаклар билан аралашиб кетади, бу эса воқеликни нотўғри тушунишга ва баҳолашда хатоларга йўл қўйишга сабаб бўлади.

Америка шубҳасиз замоннинг энг қудратли империясидир ва у шунчалик улкан салоҳиятга эгаки, баъзилар уни чексиз деб ўйлайдилар. Бунга ишора қилиш учун биргина мисол кифоя: унинг энг бой одамларидан бири Илон Маскнинг бойлиги дунёдаги ўнлаб давлатларнинг ялпи ички маҳсулотидан кўпдир. Шунингдек, Трамп маъмурияти Венесуэлада бир неча соат давом этган ҳарбий амалиёт ўтказиб, мамлакат президенти Мадурони ҳибсга олди ва ундан кейингиларни шу даражада кўрқитиб қўйдики, улар дарҳол бўйин эгдилар. Натижада Трамп дунёдаги энг йирик хом нефть захирасига эга мамлакат устидан назорат ўрнатганини эълон қилди ва бирин-кетин Америка хазинасига тушаётган Венесуэла нефти ҳақидаги хабарларни эълон қила бошлади. Шундай экан, Қўшма Штатларнинг қудрат устунларини паст баҳолаш ёки нотўғри талқин қилиш сиёсатчилар ва давлатлар учун худкушлик билан баробардир. Фақатгина ўз кучларини тўғри баҳолай оладиган ва Америка қудратининг заиф нуқталарига қарши

ўзларининг соғлом кучларини қўя оладиган сиёсатчилар ва давлатлар бундан мустасно.

Америка бошқарувига келган ҳар бир президент унинг буюклигига янги бир ғишт қўшиб келарди. Бу буюклик Совет Иттифоқи парчаланиши билан ўзининг энг юқори чўққисига чиқди. Аммо Ироқ ботқоғига ботганидан сўнг инқироз сари йўл олди.

Аслида, ёш Америка Иккинчи жаҳон урушидан ғолиб бўлиб чиққанда, унинг асосий шиори — Япония frontiда тақдирни ҳал қилган ядровий қуролга ягона эгалик қилиш ва нафақат Американики, балки бутун дунёники деб ҳисобланган доллар эди. Ушбу доллар урушдан кейин Америка хазиналарида тўпланган дунё олтинининг учдан икки қисми билан қўллаб-қувватланганди. Бунга ишлаб чиқариши кучайиб бораётган, уруш вайроналари етмаган ва Европанинг барча элиталарини ўзига жамлаган бой иқтисодиётни қўшинг. Яъни унда буюк давлат бўлиш учун керак бўлган бирорта қудрат устун кам эмас эди.



Кейинчалик бу устунлар Америка бошчилигидаги қуролланиш пойгаси орқали янада мустаҳкамланди ва унинг кучини бир неча баробар оширди. Дунёнинг бошқа давлатлари, айниқса, унинг европалик иттифоқчилари Америка иқтисодиётига қарам бўлиб қолдилар. Бу қарамлик Европада «Маршалл режаси» шаклини олди ва Европа иқтисодиёти Америкага ажралмас даражада боғлиқ ҳолда қайта тикланди.

Американинг бутун дунё бўйлаб ҳукмронлик занжирини тугаллаши йўлидаги ягона тўсиқ Совет Иттифоқи эди. Бу тўсиқ 1991 йилда, совет раҳбари Горбачёв ўз мамлакати ва Шарқий Европа блокини тартибли равишда инқирозга етаклашга уриниб, буни уддалай олганидан сўнг буткул парчаланди. Америка бу инқироз Рейганнинг «Юлдузлар жанги» дастури орқали амалга оширган кучли босими остида содир бўлганини яхши биларди. Шарқий Европа Москвадан ажралиб чиққач, АҚШ президенти Катта Жорж Буш 1990 йилда Финляндия пойтахти Хелсинкида Горбачёв билан учрашувдан сўнг «Янги дунё тартиби» туғилганини эълон қилди. Шундан сўнг у Ироқни Қувайтдан чиқариш учун уруш олиб борди. Кўп ўтмай Совет Иттифоқи парчаланиб кетди ва Американинг дунёдаги ҳукмронлиги қаршисидаги совет тўсиғи олиб ташланди. Совет Иттифоқи иккинчи давлат ва Американинг рақобатчиси мақомидан тушиб кетиши билан, Америка дунёнинг яккаю ягона ва баҳссиз раҳбари ҳамда ҳукмронига айланди. У «Суперкуч» мақомини олди,

ундан пастда турган бошқа давлатлар эса «Буюк давлатлар» (Major Powers) бўлиб қолди, холос. Улар билан Американинг ҳарбий, иқтисодий ва сиёсий қудрат устунлари ўртасида жуда катта масофа бор эди.

Америка дунё устидан ҳукмронлик ўрнатиб, уни бошқаришни ўз қўлига олди ва ўз қудратини мустаҳкамлайдиган халқаро тизимни қура бошлади. Социализмнинг қулаши ва капитализм учун майдонда мафкуравий рақиб қолмаганидан сўнг, америкалик файласуф Френсис Фукуяма «Тарихнинг ниҳояси» ҳақида гапирди. Бу Америка ғалабасининг абадийлигини англатарди. Шу билан халқаро майдондаги мафкуравий кураш якунланди. Америка Россия билан ядровий қуроулсизланиш бўйича келишувларни ўз манфаатига мослаб тузди. Чеченистон урушларига ботган Россиянинг ҳарбий қудрати заифлашиб, икки ўн йилликдан кўпроқ вақт давомида халқаро майдондан буткул ғойиб бўлди.

Америка ўзи устун бўлган иқтисодиётни юқори даражага кўтарди ва ўз компанияларини рақобат қилиб бўлмайдиган улкан гигантларга айлантириш учун уларни бирлаштириш даврини бошлади. Бу компаниялар «Глобаллашув»нинг янги даврида бутун дунё бўйлаб пул йиғиш учун сочилди. Америка эркин савдо ғояси ва божхона тўсиқларини бузиш орқали бу глобаллашув асосларини яратди ва 1995 йилда Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) каби ўз халқаро тармоқларини тузди. Америка сиёсати Фукуяма назариясига кўра дунё устидан ўз



хукмронлиги ва назоратини абадийлаштиришни кўзлаган эди.

Бироқ Трамп маъмуриятдан олдинги ўттиз йилдан ортиқ вақт давомида Америка сиёсати жиддий халқаро муаммоларга дуч келди. Ироқ ва Афғонистон ботқоғига ботиши, «терроризм» деб атаган Исломга қарши уруши, Шимолий Кореянинг янги ядровий давлат сифатида пайдо бўлиши шулар жумласидандир. Шунингдек, Путин ҳокимиятга келиб, Россия нисбатан ўзини тиклагач, халқаро майдонда «кўп қутблилик» талаблари қайтадан янграй бошлади. Лотин Америкаси давлатлари Америка таъсиридан чиқа бошлади, араб дунёсидаги «Араб баҳори» инқилоблари, хусусан, Обама маъмуриятининг кўп кучини сарфлаган Сурия воқеалари Америка нуфузини сезиларли даражада тебратди. Буларнинг энг сўнггиси — 2022 йилдаги Россиянинг Украинага босқини бўлди.

Иқтисодий соҳада эса Хитойнинг юксалиши ва Америка компанияларининг у ерга кўчиб кетиши АҚШ иқтисодиёти учун улкан муаммога айланди. Бу муаммо Европа билан бўлган иқтисодий рақобатдан (Европада Евронинг муомалага киритилиши билан рамзий маъно касб этган рақобатдан) ҳам хавфлироқ бўлиб чиқди.

Америка мана шу ўтган уч ўн йиллик давомида халқаро майдондаги барча соҳаларда устунлик ва ҳукмронлик орасида тебраниб турди. Бироқ у шу билан бирга улкан йўқотишларга ҳам дуч келдики, бу унинг имкониятлари

чегарасини хавфли даражада очиб қўйди. Албатта, Америка бу йиллар давомида кўплаб ютуқларга ҳам эришди, уларнинг энг каттаси — Европа давлатларининг мустақиллигига зарба бериш ва уларни халқаро рақобат майдонидан чиқариш бўлди. Россиянинг Украинага босқини Европа давлатларини янги бир воқелик қаршисида қолдирди: уларда чуқур ҳарбий заифлик пайдо бўлди ва агар Американинг «ҳимоя соябони» олиб ташланса, уларнинг мавжудлиги хавф остида қолади.

Бу ҳолат президент Байден даврида Европани Хитойга нисбатан мустақил сиёсатига чек қўйишга ва Американинг «аравасига» қайтиб тиркалишга мажбур қилди. Бунинг эвазига Америка Европани унинг шарқий томонидан ер тишлаб келаётган Россиядан ҳимоя қилишга ваъда берди. Шунингдек, Америка Еврони доллар билан рақобат қила олмайдиган кичик рақибга айлантириб қўйди ҳамда Россиянинг энергия томирлари кесиб ташлангач, Европа давлатларини Американинг энергия ресурсларига, хусусан газига боғлаб қўйди.

Бироқ шунча ютуқларга қарамай, 1990 йилда қарзи 3 триллион доллар бўлган Американинг бугунги қарзи хавфли даражада ўсиб, 40 триллион долларга яқинлашди. Бугун Америка Хитой иқтисодиётига ўзининг иқтисодий буюклиги учун энг катта таҳдид деб қарамоқда ва уни рақобатдан четлатиш учун бор кучини сарфламоқда. Аммо Хитой иқтисодиёти шиддат билан ўсишда давом этди ва Хитой ўз инвестициялари билан дунёга чиқиб,



Америка ҳукмронлигига таҳдид сола бошлади.

Хитой муаммоси Американи Исломга қарши урушини тўхтатиб, кучларини бошқа томонга йўналтиришга мажбур қилди. У Ироқ, Афғонистон ва ниҳоят Суриядан бирор сезиларли натижага эришмай туриб чиқиб кета бошлади. Америка «Ал-Қоида»га қарши курашиш учун Афғонистонга бостириб кириб, уни босиб олганди. 2003 йилда эса Ироқ нефти Америка иқтисодиётини жонлантиришига умид қилиб, Ироққа бостириб кирди. Бироқ у ерда ўзига қарши жанг қилаётган ўнлаб исломий ташкилотларга дуч келди. Агар Эроннинг Ироқ қўзғолонига қарши Америкага берган ёрдами бўлмаганида, Американинг Ироқдаги қанотлари аллақачон синиб бўлган бўларди. Америка Ироқ нефтидан фойдалана бошлагунга қадар триллионлаб доллар маблағ сарфлади. 2021 йилда Афғонистондан хорланган ҳолда чиқиб кетди ва ҳокимиятга ўзи йигирма йил урушган «Толибон» ҳаракати қайтди. Сурияда эса «Халифалик» шиорини кўтарган юзлаб исломий гуруҳлар пайдо бўлгач, Америка у ердан чиқиб кетиш ва Аҳмад аш-Шаръ (Жўлоний) билан келишувга эришиб, уни раҳбар этиб тайинлашдан бошқа чора топмади.

Американинг 2001 йилда «терроризм» баҳонасида Исломга қарши бошлаган уруши, эҳтимол, социализм қулаганидан кейин ўз халқаро сиёсати учун баҳона қидиришдан келиб чиққандир. Аммо, ҳар қандай ҳолатда ҳам, у Исломни исталган лаҳзада халқаро сиёсий хавфга айланиши

мумкин бўлган ўта кучли мафкуравий хавф деб билди. Айниқса, «Араб баҳори» воқеаларидан кейин. Шу сабабли, Америка ўз халқаро сиёсатида бири иккинчисидан кам бўлмаган иккита муаммо билан тўқнашди: Хитой ва Ислом.

Агар Хитой хавфи асосан иқтисодий соҳада бўлса, Ислом хавфи ҳар томонлама ва қудратлидир. Шу боис, Америка Ислом хавфини шунчаки ташлаб қўйиб, бор эътиборини Хитойга қарата олмади. У ўз кучларини Хитойнинг юксалишига тўсқинлик қилиш ва Исломнинг ҳокимиятга келишини олдини олиш ўртасида тақсимлашга мажбур бўлди. Бунинг ичига яхудий вужудини янада чуқурроқ қўллаб-қувватлаш ва «кутурган ит» сиёсатини амалга ошириш ҳам киради. Бу «ит» бугун Ғазони йўқ қилиш, Сурия қуроллари чиритиш, Ливанни ва Эроннинг ядровий дастурини вайрон қилиш орқали исломий минтақани жиловлаш ва унинг хавфларини йўқотиш учун ҳаракат қилмоқда.

Хитойнинг юксалиши ва Исломнинг уйғониши Америка халқаро майдонда дуч келаётган иккита энг катта масала бўлса, ундан кейинги даражада Шимолий Корея ядровий муаммоси, Россиянинг «кўп қутблилик» талаби ва Украина уруши, шунингдек, Американинг Ғарбий ярим шардаги (Лотин Америкаси) нуфузининг заифлашиши каби масалалар ҳам уни чарчатмоқда. Хулоса қилиб айтганда, Америка дунё устидаги чангали бўшашаётганини, унинг халқаро ҳукмронлиги йўқолаётганини ва ҳатто унинг устунлиги хавф остида



қолганини ҳис қилди. Зеро, Хитой иқтисодиёти унга яқинлашиб қолди, Хитойнинг йирик компаниялари Америка гигантлари билан рақобатлашмоқда ва ҳатто қуёш энергияси, электромобиллар ҳамда нодир металллар каби баъзи соҳаларда Хитой устунликни ўз қўлига олмоқда.

Америка хукмронлигини йўқотганининг яна бир белгиси шундаки, саноатнинг катта қисми мамлакатни тарк этиб, Хитойга кўчиб ўтди. Президент Трамп ўзининг биринчи муддатида божхона тўловлари орқали Хитойга босим ўтказмоқчи бўлганида, коронавирус пандемияси Американинг Хитой товарларига нақадар қарам бўлиб қолганини кўрсатиб қўйди; Америка бозори Хитой ишлаб чиқаришига шунчалик боғланиб қолгандики, АҚШ яқин келажакда ўз бозори эҳтиёжларини ўзи қондира олмас эди. Украина уруши Америка омборларидаги баъзи қурул турларини бўшатиб қўйганида (масалан, Америка анчадан бери ишлаб чиқаришни тўхтатиб, фақат захираларга таяниб келган «Жавелин» ракеталари), ушбу қурул турини қайта ишлаб чиқариш учун нафақадаги кекса мутахассисларни қидиришга мажбур бўлди.

Бир пайтлар Америка Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банки орқали дунёдаги қарзлар оқимини назорат қилиб, кучсиз давлатлар иқтисодиётини бошқарган бўлса, бугун Хитой бу соҳада у билан муваффақиятли рақобатлашмоқда. Хитой «Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки»ни ташкил этди ва ўзининг

машҳур «Бир макон, бир йўл» лойиҳасини ишга тушириб, давлатларга улкан инвестициялар киритмоқда. Бу эса ўша давлатларни Хитой иқтисодиётига қарам қилиб қўйиш билан таҳдид қилмоқда. Америкада эса бундай лойиҳа учун ортиқча маблағ йўқ. Хитойнинг йирик инвестициялари Панама канали, Европа ва ҳатто Америкагача етиб борди; Африка ва Осиё эса портлар, темир йўллар, заводлар ва энергия қувурлари каби оғир вазли Хитой лойиҳаларига тўлиб кетди.

Ҳарбий соҳада Россия Украинадаги уруши билан Ғарбга чақириқ ташлади, бу эса Америка молияси ва қурул омборларини ҳолдан тойдирди. Америка Россияга қарши, жумладан нефть экспортини тақиқловчи қаттиқ санкциялар жорий қилди, бироқ Россия «соёдаги флот» (Shadow Fleet) деб аталган тизимга таяниб, ўз хазинасига пул оқимини давом эттирди ва Украинадаги урушини молиялаштирди. Америка дунёда ядровий қурул тарқалишини назорат қила оламан деб ўйлаган бир пайтда, Шимолий Корея АҚШнинг Ироқ ва Афғонистон ботқоғига ботганидан фойдаланиб, ўзини «ядровий клуб»нинг янги аъзоси сифатида рўйхатдан ўтказди. Америка Россия билан ядровий қурулларни чеклаш бўйича келишувларни тўхтатишга мажбур бўлди, чунки Хитой ўз ядровий қудратини шиддат билан ривожлантираётган бир пайтда, фақат Россияни жиловлаб туриш бефойда бўлиб қолди.

Агар Россиянинг «соёдаги флот» орқали санкциялардан қочиши мушук



ва сичқон ўйинига ўхшаса, Эроннинг сўнгги урушда Ҳурмуз бўғозини ёпиб қўйиши Американинг ҳарбий қудрати ва денгиз ҳукмронлигига очиқ ва кескин чақириқ бўлди (бу кучлироқ мушукка қарши бошқа бир мушукнинг ўйинини эслатади). Дунё бўйлаб Хитой инвестициялари эса — «семиз Хитой мушуги»нинг Америка мушуги билан ўйинидир. Хулоса қилиб айтганда, Америка дунё устидан ҳукмронлигини йўқотди, чунки куч қисман ёки тўлиқ бошқа давлатлар қўлига ўтди ва улар Америкага қарши чиқишга, унга чақириқ ташлашга журъат қилмоқдалар: Эрон, Шимолий Корея, Хитой ва Россия шулар жумласидандир. Агар «ҳукмронлик» ҳукмрон ва унинг рақиблари ўртасидаги улкан масофа туфайли «устунлик»дан анча юқори бўлса, бугун Америка фақат ўз устунлигини сақлаб қолиш учун курашмоқда ва бунинг доим ҳам ҳамма соҳада уддалай олмапти.

Америка воқеалар, урушлар, улкан харажатлар ва астрономик қарзлар уни мажақлаб ташлашидан олдин ўз халқаро мавқеини қандай сақлаб қолиш ҳақида ўйлаб қолди. Охириги ўн йил давомида Америка ўз йўналиши ва сиёсий устуворликлари борасида иккига бўлинди. Президент Трамп биринчи муддатида иқлим келишувидан чиқди, кейин демократ Байден келиб, Американи келишувга қайтарди, сўнг Трамп яна қайтиб келиб, АҚШни ундан яна чиқарди. Худди шундай ҳолат НАТОдаги иттифоқчилар ва исломий минтақага нисбатан сиёсатда ҳам кузатилмоқда.

Улар ҳақида Аллоҳ Таолонинг ушбу сўзи тўғри келади:

﴿كَلَّمَا دَخَلْتَ أُمَّةً لَعَنْتَ أُخْتَهَا﴾

«Ҳар гал бир гуруҳ дўзахга кирганда, ўзидан олдинги шеригини лаънатлайди». (Аъроф:38)

Бу бўлиниш Америка сиёсий ҳаётини камраб олди: муҳожирлик сиёсати, қора танлиларга нисбатан ирқчилик, оқ танлиларнинг экстремистик гуруҳлари пайдо бўлиши, Капитолийга ҳужум ва президентлик сайловлари натижаларини тан олмаслик шулар жумласидандир. Шундай қилиб, Америка ички бўлиниши унинг қаршисида турган улкан муаммоларга янги бир оғир юк бўлиб қўшилди. Бу ички муаммо бўлса-да, унинг Америка давлати келажагига, унинг халқаро имижига ва ташқи сиёсатига таъсири жуда кучлидир.

АҚШ президенти Трамп 2025 йил бошида ҳокимиятга қайтди ва унинг қаршисида зудлик билан ҳал қилиниши лозим бўлган сон-саноксиз улкан муаммолар пайдо бўлди. Бу муаммоларни ва унинг ечимлари ҳақидаги тасаввурларини қуйидагича таърифлаш мумкин:

Биринчидан: Трамп Украина уруши Американинг эътиборини Хитойдан Россияга қаратганини, уруш эҳтиёжлари учун сарфланаётган маблағ ва қуруллар Америка омборлари ҳамда хазинасини бўшатаётганини кўрди. Бу ҳолат АҚШнинг Россия билан бевосита урушга кириб қолиш хавфини туғдиради ва уни Хитой юксалишига қарши курашишдан чалғитади. Аммо у бу урушда Россияни Хитойдан



ажратиш ва Европани молиявий жиҳатдан ҳолдан тойдириш имкониятини ҳам кўрмоқда.

Иккинчидан: Трамп яҳудий вужудининг Ғазодаги уруши минтақадаги исломий хавфларни кучайтираётганини тушунади. Бироқ у Ливан, Сурия, Ироқ ва Эрон майдонларини ҳам қамраб олувчи бу жараёни охирига етказишда иштирок этишга мажбур. Унинг мақсади — минтақани яҳудий вужуди учун осон ўлжага айлантириб берадиган «кутурган ит» сиёсатини муваффақиятли яқунлаш.

Учинчидан: Хитойнинг юксалиши давом этмоқда. Шу сабабли Трамп ўз мамлакатини ҳимоя қилиш сиёсати билан Хитой ва дунёнинг бошқа давлатларига ҳужум қилмоқда, ўнг ва чапга божхона тўловларини жорий этмоқда ҳамда саноат чархпалагини Америкага қайтариш ниятини эълон қилмоқда.

Тўртинчидан: Демократлар ва Америка «сўлчилари»га ҳужум қилиш, муҳожирларга қарши қаттиқ сиёсат юритиш. Давлат органларини демократлар ва ўз сиёсатига қарши бўлганлардан тозалаш учун «Ҳукумат самарадорлиги департаменти»ни (DOGE) ташкил этиш, шунингдек, Пентагон ва армияни муҳолиф генераллардан тозалаш.

Америка мана шундай муаммолар исканжасида ва уларни ҳал қилиш учун зўриқмоқда. Аммо диққат билан қаралса, Америка муаммоси бу кўринганларидан анча чуқурроқдир. Агар Америкада давлат ва миллат «соғлом» бўлганида эди, бу халқаро

муаммоларни ҳал қилиш ва дунёдаги мавқеини сақлаб қолиш учун яхши имкониятлар топиларди. Бироқ бугун Америка давлати ҳам, унинг миллати ҳам «хаста». Уларда ўз мавқеини халқаро даҳшатлардан халос этиш учун керак бўлган қудрат ресурсларини таъминлай оладиган саломатлик қолмаган.

Бир пайтлар Совет иқтисодиёти қуролланиш пойгасига (хусусан, Американинг «Юлдузлар жанги» дастурига) дош бериш учун маблағ топишда муваффақиятсизликка учраган ва Россия Горбачёв ислохотлари орқали нажот излаган эди (лекин бу йўл уни фақат жарликка етаклади). Бугун Америка худди шу совет муаммосига яқин бир ҳолатда турибди.

2025 йилда Америка давлати ўзининг 5 триллион долларлик ҳукумат даромадидан 1 триллион доллардан ортигини 38 триллион доллардан ошган қарзларининг фоизлари (рибо) учун тўлади. 1,6 триллион долларни ижтимоий суғурта дастурлари доирасида нафақахўрларга, қарийб 2 триллион долларни тиббий суғурта дастурларига ва қарийб 1 триллион долларни муҳофаа харажатларига (Пентагон бюджети) сарфлади. Ҳукуматнинг бошқа харажатларини қоплаш учун эса яна 1,8 триллион доллар янги қарз олишга мажбур бўлди. Ва буларнинг барчаси фақат 2025 йилнинг ўзида содир бўлмоқда. Қарз йил сайин ортиб борар экан, унинг рибо фоизлари ҳам кўпаяверади. Миллий хавфсизлик бўйича собиқ маслаҳатчи Жон Болтон бу ҳолатни «миллий



хавфсизлик учун ўта оғир хавф» деб атади.

Америка ўз ҳолатини ўнглаши учун давлат даромадларини ошириши шарт. Бунинг йўли эса солиқларни кўпайтиришдир. Бироқ давлатлар иқтисодиёти солиқлар ошишига нисбатан ўта сезгир бўлади; агар Америка ўз компанияларига солиқни оширса, бу компаниялар хорижга, масалан, Хитойга қочиб кетади. Қолаверса, Америка капиталистик давлат бўлгани учун ундаги сиёсатчилар капиталистларга хизмат қилиш учун ишлайдилар. Бу капиталистлар эса солиқларни камайитиришни исташади. Уларнинг Америкада қарор қабул қилувчиларга — Конгресс раисидан тортиб аъзоларигача — таъсир ўтказиш учун турли «лобби»лари ва ҳукумат устидан катта нуфузлари бор.

Бунга мисол тариқасида президент Трампнинг Америкадаги энг йирик капиталист — «Тесла» электромобиллари, «СпейсХ» ракета ва фазовий кемалари ҳамда «Старлинк» интернет тармоғи йўлдошлари эгаси Илон Маскни Ҳукумат самарадорлиги департаменти раҳбари этиб тайинлаганини келтириш мумкин. Маскнинг бу лавозимдаги «ютуқлари»дан бири — Пентагондаги юқори лавозимли директорларни ишдан бўшатиб, ўрнига ўз одамларини тайинлаши бўлди. Бу эса унинг Пентагон билан имзолайдиган миллиардлаб долларлик шартномаларини осонлаштиришга хизмат қилади. Ушбу тайинловдан бир йил ўтиб, Илон Маск Эрон билан

уришаётган АҚШ армиясини маълумот билан таъминлаб турган «Старлинк» тармоғи хизматлари нархини икки барабар оширишни талаб қилди. Бу нарх урушдан олдин келишилган нархдан беш барабар қиммат эди. Бугун эса Илон Маск бир йўла 80 миллиард доллар фойда кўриш учун «СпейсХ» акцияларини сотувга чиқарди. Шунингдек, у «Форд» каби рақобатчи компанияларни қўллаб-қувватловчи ҳукумат дастурларини тугатиш орқали электромобиллар учун солиқларни камайитиришни талаб қилмоқда. Натижада, бугун ОАВ Илон Маскни дунёдаги биринчи «триллионер», яъни минг миллиард доллар бойликка эга одам деб эълон қилмоқда.

Бу воқеа Америка капиталистлари давлат ресурсларини талон-торож қилаётган кундалик кўплаб ҳикоялардан бири, холос. Қонунлар эса уларнинг Америка халқини талашини осонлаштириб беради. Умуман олганда, Американинг гигант компаниялари тўлайдиган солиқлар камайиб бормоқда, бу эса ҳукумат даромадларини заифлаштирмоқда. Бирорта ҳам Америка президенти бу жараёни буткул ортга қайтара олмайди. Масалан, демократ Байденнинг сиёсати демократларнинг тарафдори бўлган технология компанияларига хизмат қилган бўлса, республикачиларни қўллаб-қувватловчи энергетика компанияларига босим ўтказди.

Бу ҳолат Америкадаги ички бўлинишни янада чуқурлаштира-да, «давлат компанияларга хизмат қиладиган» тизимдан «компаниялар давлатга



хизмат қиладиган» тизимга ўтиш Америка сиёсий тизимида имконсиздир.

Чунки капиталистларнинг нуфузи ўта кенг, сиёсатчилар ва уларнинг партиялари эса сайловларда ғалаба қозониш учун мана шу компанияларнинг молиявий кўмагига муҳтож. Натижада, Америкадаги йирик компаниялардан тушадиган солиқ тушумлари камайиб бормоқда: 2015 йилда улар жами даромадларнинг 11 фоизини ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб 6 фоизга тушиб қолди. 2020 йилдан кейин бу кўрсаткич биров ошган бўлса-да, бу солиқ ставкалари кўтарилгани учун эмас, балки технология компаниялари капиталининг кескин ўсиши, яъни уларнинг Америка халқи ва дунёни талаш имкониятлари кенгайгани ҳисобига бўлди. Масалан, юқорида тилга олинган Илон Маскнинг бойлиги 2015 йилда 13 миллиард доллар бўлган бўлса, 2020 йилда 170 миллиардга етди, бир неча ҳафта олдин 800 миллиард доллар деб баҳоланди ва орадан санокли кунлар ўтиб, 1 триллион долларга айланди. У бу бойликнинг катта қисмини ҳукумат шартномалари (америкаликларнинг солиқлари), ўз компанияларининг дунё бўйлаб кўраётган улкан фойдалари ва акциялар нархининг кўтарилиши орқали жамлади.

Компанияларнинг давлат устидан ҳукмронлигига яна бир мисол — қурол-яроғ компанияларидир. Улар нафақат АҚШ Мудофаа вазирлиги (Пентагон) билан қурол етказиб бериш бўйича шартномалар имзолайди, балки ўз маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни

ошириш ва фойдаларини кўпайтириш учун давлатни бутун дунё бўйлаб уруш оловларини ёқишга ундайди. Қурол компанияларининг давлатни талашда эътибор бериш керак бўлган муҳим жиҳат шундаки, улар сотадиган қуроллар доимо ҳаддан ташқари қиммат бўлади. Ҳатто баъзида қиймати минг долларлик оддий бир ракетани уриб тушириш учун бир миллион долларлик ракета ишлатилиши айтилади.

Умуман олганда, Америка армияси фойдаланадиган ҳарбий техникалар нархи ва компанияларнинг самолёт, танк ва бошқа қуролларга кўрсатадиган техник хизматлари қиймати дунёдаги ўхшаш хизматлардан бир неча баробар қимматдир. Бу америкаликлар тарғиб қилганидек, уларнинг техникаси бошқалардан устун бўлгани учун эмас, балки қурол компаниялари Пентагон билан тузиладиган шартномаларда ўз фойдаларини кўпайтириш учун доимий равишда айланма йўллардан фойдаланиши натижасидир. Пентагондаги муҳим лавозимларда уларнинг ўз одамлари бор ва улар давлатни ҳарбий саноат маҳсулотлари учун мана шундай юқори нархларни қабул қилишга ундаб туради. Масалан, 2025 йилда Покистон армияси томонидан Ҳиндистон самолётларига қарши қўлланилган Хитой самолётлари жуда яхши натижа кўрсатди, ваҳоланки уларнинг нархи Америкадаги муқобилларидан анча арзон. Америка ўз қуролларининг сифати ва самарадорлиги ҳақида қиладиган тарғиботлар ушбу қуролларнинг ўта юқори нархига мос келмайди.



Россиянинг арзон куруллари Украинадаги Американинг ўта қиммат курулларига муносиб қаршилиқ кўрсатмоқда. Ҳукумат шартномаларига таянган бошқа йирик компаниялар, масалан, «Кох» (Коч) ака-укаларига тегишли бўлган ва тиббий суғурта каби ҳукумат дастурларидан миллиардлаб фойда кўрадиган фармацевтика компанияларининг аҳволи ҳам шундай. Америка капиталистик тизимининг яна бир муаммоси шундаки, охириги ўттиз йил ичида компанияларнинг муваффақияти ва ортган фойдалари асосан технология соҳасига, фонд бозорларига (Уолл-стрит) ва умуман молиявий савдо секторига йўналтирилган. Бу эса америкаликлар, айниқса, ёшлар ўртасида ишлаб чиқаришга (саноатга) қарши бўлган янги бир фикрни юзага келтирди. Улар оғир меҳнат талаб қиладиган соҳаларда ишлашни хоҳламайдилар ва тез бойиб кетишни орзу қиладилар. Саноатда фойда олиш одатда секин кечади, акциялар бозорида эса ёш йигит бир зумда камбағалликдан бойликка кўтарилиши мумкин. Яъни америкаликлар саноатдан юз ўтгирмоқдалар, унинг қийинчиликларидан қочиб, осон фойда кетидан қувмоқдалар. Бу фикр Американинг бугунги таназзули жамиятдаги ҳаддан ташқари фаровонлик уруғларидан униб чиққанини тасдиқлайди. Оғир меҳнатни рад этиш бугун Америкада саноатни қайта тиклаш ва Хитойга қарамликдан қутулиш йўлидаги асосий тўсиққа айланди. Ҳаддан ташқари фаровонликнинг яна бир нишонаси —

ҳукуматнинг ўз фуқаролари олдидаги ижтимоий ва тиббий суғурта мажбуриятларидир. Бу харажатлар ҳарбий харажатлар (Пентагон бюджети) билан қўшилиб, Америка даромадларининг 80 фоизини ташкил этмоқда.

Муаммонинг яна бир жиҳати — тўхтамайдиган инфляциядир. Америкадаги бу инфляция икки сабабга кўра юзага келади:

Биринчи сабаб: Рибо (фоизлар).

Америкадаги аксарият инвестицион лойиҳалар қарзларга таянади ва банклар пулни рибо асосида беради. Натижада, америкалик ишлаб чиқарувчининг вазифаси — банкка тўлайдиган фоизини қоплаш учун ўз маҳсулоти ёки хизмати нархини ҳар йили ошириб боришдан иборат бўлади. Мана шу рибо туфайли Америка давлати ўз олдидаги асосий вазифа сифатида инфляцияни 2 фоиз даражасида ушлаб туришни кўради.

Иккинчи сабаб: АҚШ ФЗТ (Федерал захира тизими)нинг пул-кредит сиёсати.

Бу фоиз ставкаларини ошириш ёки тушириш, шунингдек, Ғазначилик вазирлиги томонидан янги электрон ёки қоғоз долларларни муомалага чиқариш билан боғлиқ. Янги долларлар қанча кўп чиқарилса ёки фоиз ставкалари қанча пасайтирилса, долларнинг товар ва хизматларга нисбатан қиймати шунча пасаяди ва нархлар кўтарилади. Эътиборли жиҳати шундаки, бу Федерал захира тизими (Марказий банк) тўлиқ давлат органи эмас, балки «дурагай» бир



ташкilotдир. Унда хусусий банклар минтакавий федерал банкларнинг аъзолари ҳисобланади, ҳукумат эса фақат бошқарувчилар кенгашини тайинлайди. Яъни кредит беришдан келадиган фойдалар бир вақтнинг ўзида ҳам хусусий тижорат банкларига, ҳам Ғазначилик вазирлигига (давлатга) тегади. Бу эса хусусий сектор ва ҳукуматнинг манфаатлари бирлашиб кетганидан далолат беради.

Америка дуч келаётган бу чигал муаммо — капиталистик тизим чириганлигининг асл моҳиятидир. Бу тизимда хусусий сектор, гарчи билвосита бўлса-да, Федерал захира банки орқали янги долларларни муомалага чиқаришда катта мавқега эга. Бу жараён нафақат давлат манфаати учун, балки валюта қиймати, давлат облигациялари бозори ва фоиз

ставкаларини ўз измига солаётган ўша капиталистларнинг манфаати учун ҳам ишлайди.

Хулоса қилиб айтганда, Америкадаги капиталистлар давлатни қонуний йўл билан «ғажимоқдалар». Агар бирор соҳада уларга қўл келадиган қонун бўлмаса, Конгрессга босим ўтказувчи лоббилари орқали ўзларига керакли қонунни чиқартириб оладилар. Улар рибо (фоиз), ҳукумат шартномалари ва бошқа кўплаб имтиёзлар орқали аввал Америка халқини, сўнгра бутун дунёни талон-торож қилмоқдалар. Мана шундай тинимсиз «ғажииш» натижасида капиталистларнинг бойлиги беҳисоб даражада ортиб бормоқда, аммо ҳукуматнинг ўз халқаро сиёсати ва урушлари учун сарфлайдиган ресурслари эса йилдан-йилга камайиб бормоқда.

(Давоми бор)



РАҚАМЛИ ВАЛЮТАЛАР: ОДАМЛАР ЖАМҒАРМАЛАРИНИ ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИШ ВА МОЛИЯВИЙ ГЕГЕМОНИКНИНГ ДАВОМ ЭТИШИ

Муаллиф: Абдулҳалим Ҳавроний

Биринчи: Жамғармаларнинг «сассиз» ўғирланиши

Бу даврнинг ўғрилари одамларнинг пуллари тўнаш учун ниқоб ёки қуролга муҳтож эмаслар. Замонавий молиявий тизим инсонларнинг жамғармаларини аста-секин кемириш учун махсус лойиҳалаштирилган яширин механизм орқали бу вазифани ўз зиммасига олган. Биз бугун «дастурланган пул инфляцияси» деб номланган ҳақиқий муаммога дуч келмоқдамиз. Бу шундай жараёнки, у сизнинг банк ҳисоб рақамингизда, жамғармаларингизда ёки даромадингизда кўринаётган улкан рақамларни вақт ўтиши билан асл харид қобилиятдан маҳрум этилган қуруқ рақамларга айлантириб қўяди.

Агар инсон ўз келажагини ва оиласини таъминлаш илинжида нақд пуллари йиллар давомида сақласа, у аслида вақтга қарши бой берилган жангда иштирок этаётган бўлади. Бу жамғармаларнинг харид қуввати доимий равишда пасайиб боради, бу эса асосий товарлар ва активлар нархининг тинимсиз ошишида (инфляцияда) акс этади. Натижада, одамлар ўзлари сарфлаган меҳнат энергиясининг ҳақиқий қийматидан маҳрум этилганини кўрадилар. Иқтисодий нуқтаи назардан, агар сизнинг банкдаги рақамли қолдирингиз бир неча ўн йил давомида ўзгармай турса, бу сиз ҳақиқий харид қобилиятингизнинг қарийб 85 фоизини йўқотганингизни англатади. Пул шунчаки ҳавога учиб кетмайди, балки у ўзининг қийматини айланма йўллар билан йўқотади ва бу қиймат ушбу тизимли нуқсондан манфаатдор бўлган бошқа томонларнинг чўнтагига бориб тушади.

Энг хавфли томони шундаки, бугунги кунда «Марказий банкларнинг рақамли валюталари» (CBDC) га ўтиш жараёни бу хавфли йўналишни тузатиш учун эмас, балки охирги эллик йилдан бери давом этаётган тизимли талон-торожни тезлаштириш ва унга кенг технологик қонунийлик бериш учун хизмат қилади. Шу сабабли, ушбу хунук молиявий тизимнинг механизмларини англаш — ундан қутулиш ва одамларнинг молини ҳимоя қиладиган ҳамда кўпайтирадиган ҳақиқий молиявий тизимни барпо этиш йўлидаги биринчи мудофаа чизиғидир.

Иккинчи: Пулнинг ўз қийматидан қандай қилиб «қоғоз иллюзия»га айланиши

Ҳозирги молиявий тизимнинг таназзули тасодиф эмас, балки асрлар давомида пул ва ҳақиқий қиймат ўртасидаги боғлиқликни босқичма-



босқич узиб келган режали ўзгаришларнинг натижасидир. Инсоният қарийб тўрт минг йил давомида олтин ва кумушни пулнинг асосий пойдевори сифатида ишлатиб келди. Ушбу давр барқарор пул тизими билан ажралиб турарди, чунки бу металллар сиёсий хоҳиш-истакларга бўйсунмайдиган ва чиримайдиган мустақил ички қийматга эга эди.

Аммо XVII асрда Европада тизимли оғиш бошланди. Одамлар олтинни олиб юриш ўрнига, қулайроқ бўлган қоғоз тилхатлардан (квитанциялардан) фойдаланишга ўтдилар. Вақт ўтиши билан саррофлар (пулфурушлар) омонатчиларнинг фақат кичик бир қисмигина ўз олтинларини бир вақтнинг ўзида талаб қилишини пайқаб қолишди. Улар бундан фойдаланиб, ўз омборларидаги мавжуд олтин миқдоридан анча кўп бўлган қоғоз тилхатларни чиқара бошлашди. Шу тариқа «қисман захира тизими» ва пулни йўқдан бор қилиш (генерация қилиш) жараёни дунёга келди.

Вақт ўтиши билан тизим ривожланиб, расмий банклар ташкил этилди ва дунё валюталари асосий мезон сифатида АҚШ долларига боғланди. Доллар эса ўз навбатида олтинга қатъий нархда (бир унция учун 35 доллар) боғланиш мажбуриятини олди. Бу 1944 йилдаги «Бреттон-Вудс» келишувига асосланган эди. 1950 йилларда ҳамма нарса тартиб билан кетаётганди: Америкада олтин бор эди, дунё эса долларга ишонарди.

Бироқ 1960 йилларнинг ўрталарига келиб, Америка Ветнам урушига ва қиммат ички лойиҳаларга аралашиб қолди. Бюджет тақчиллигини қоплаш учун солиқларни ошириш ўрнига, АҚШ ўзидаги олтин миқдоридан анча кўп бўлган долларларни улкан миқдорда босиб чиқара бошлади. Европа давлатлари буни сезиб қолишгач, Америкадан ўзларидаги ортиқча долларлар эвазига олтин беришни талаб қилишди. Натижада, ўша пайтдаги АҚШ президенти Никсон 1971 йилда долларни олтинга айлантириш имкониятини бекор қилганини эълон қилиб, боши берк кўчадан чиқиб кетди.

Бу қарор билан минг йиллик ҳақиқий олтин пул тарихига якун ясалди ва дунё пуллари тўлиқ «фиат (мажбурий) валюталар»га айланди. Эндиликда пуллар ҳеч қандай ҳақиқий актив билан таъминланмаган, чексиз босиб чиқариш сиёсатига бўйсунган шунчаки қоғоз ва рақамлар бўлиб қолди. Шундан сўнг долларнинг олтинга нисбатан қиймати шиддат билан пасая бошлади. Агар долларнинг ҳақиқий харид қобилиятини олтин билан ўлчасак, у ўша даврдан бери ўз қийматининг 98 фоизидан кўпроғини йўқотганини кўрамиз. Бу иқтисодий жихатдан шуни англатадики, охириги ярим аср давомида ўз жамғармаларини нақд пулда сақлаган ҳар бир шахс «овозсиз ва тизимли механизм» орқали ўз бойлигидан маҳрум этилган.

Учинчидан: Бугунги кунда пул пайдо бўлишининг яширин механизмлари ва қийматнинг сассиз емирилиши



Бугунги молиявий тизимнинг тузилиши жуда мураккаб бўлиб, у банкларни шунчаки пул сақладиган хавфсиз кути деб биладиган оддий одамларнинг тасаввуридан буткул фарқ қиладиган механизмлар орқали бошқарилади. Бу ўринда кўпчилик билмайдиган бир механизмни — «Пул мультипликатори» (Money Multiplier) ёки молиявий рычаг тизимини тушунтириб ўтиш лозим.

Мижоз банкка маълум миқдорда пул қўйганда, банк аслида бу пулнинг ҳаммасини сақлаб турмайди. У пулнинг жуда оз қисмини (давлат қонунларига кўра, тахминан 10 фоизини) «мажбурий захира» сифатида олиб қолади ва қолган қатта қисмини (90 фоизини) бошқа бир мижозга қарзга беради. Қарз олган киши бу пулни яна банк тизимида қайтаради ва жараён янгидан бошланади: банк яна ўша пулнинг 10 фоизини олиб қолиб, қолган 90 фоизини янги қарздорга беради. Мана шу «акс-садо» ҳаракати натижасида банк дафтарларидаги 10 минг бирлик пул қарзлар кўринишида 100 минг бирликка айланади. Бу эса пул массасининг 90 фоизи тўлиқ кредити ва молиявий рычаг орқали «йўқдан бор қилинганини» англатади.

Йирик марказий банклар ва халқаро молиявий ташкилотлар (ХВЖ, Халқаро ҳисоб-китоблар банки) ҳисоботларига кўра, бугунги кунда дунёдаги жисмоний (қўлда ушлаш мумкин бўлган) нақд пул миқдори тахминан 8 триллион долларни ташкил этади. Ваҳоланки, «кенг пул массаси»

(депозитлар ва дафтарлардаги ҳисоблар) 150 триллион доллардан ошиб кетган. Бу улкан фарқ — моддий мавжуд бўлмаган «виртуал ликвидлик»дир. Агар омонатчилар бир кунда ўз пуллари нақд кўринишда қайтариб олишга қарор қилсалар, тизим бу бойликларнинг 95 фоизини қоплаб бера олмайди ва инқирозга юз тутаяди.

Мана шундай чексиз пул кенгайиши инфляциянинг бевосита сабабчисидир. Ишлаб чиқариш билан таъминланмаган ҳар бир янги пул бирлиги бозорга кирганда, у муқаррар равишда олдинги пул бирликларининг харид қувватини кемайтади. Рақамлар тилида айтганда, йиллик ўртача 5 фоизлик инфляция муҳитида сақланган 100 минг бирлик жамғарманинг ҳақиқий қиймати атиги ўн йилдан сўнг 60 мингга тушиб қолади. Дафтарларда рақамлар ўзгаришсиз қолаверади, лекин уларнинг қиймати (харид қуввати) 40 фоизга йўқолади. Бу йўқотилган қиймат эса одамларнинг эътиборини тортмаган ҳолда, янги пайдо бўлган пулларни биринчи бўлиб қабул қилувчи томонларга — ҳукуматлар ва йирик банкларга ўтиб кетади.

Тўртинчидан: Рақамли валюталар ва тизимли талон-торожнинг янги босқичи

Сўнгги пайтларда дунё бўйлаб рақамли валюталар гўёки «технологик инқилоб» ва «ислоҳот» сифатида шиддат билан тарғиб қилинмоқда. Аммо уларнинг моҳияти ва механизми синчиклаб ўрганилганда, бу шунчаки пулни



йўқдан бор қилишни тезлаштирадиган ва пулнинг харид қобилиятини емириш кўламини кенгайтирадиган янги усул экани маълум бўлади. Бу рақамли макон учта шаклдаги валюталардан иборат бўлиб, уларнинг барчаси «ички қийматга эга эмаслиги» билан бири-бирига ўхшайди:

1-Марказий банкларнинг рақамли валюталари: Бу анъанавий қонуний валюталарнинг бевосита рақамли давомидир (масалан, рақамли юань, 2025 йилда қонуний тўлиқ шаклландиган рақамли рубль ва яқингача Трамп томонидан тарғиб қилинган рақамли доллар). Бу валюталар давлатнинг суверен қарори билан дастурий равишда яратилади ва марказий банклар ичида лойиҳалаштирилади. Улар ёки шахснинг кимлигига боғланган ҳисоб рақамлари тизимида, ёки кодланган ҳамёнлар тизимида ишлайди.

Ушбу икки тизимни тушунтирадиган бўлсак:

Шахснинг кимлигига боғланган рақамли валюталар: Бу шакл анъанавий банк ҳисоб рақамларининг ишлаш тамойилига жуда ўхшайди. Бироқ асосий фарқи шундаки, сизнинг ҳисоб рақамингиз бевосита Марказий банкда очилади. Ҳисобдаги валюта эса эгасининг исми, шахсий идентификация рақами ёки бармоқ изи каби маълумотларига боғланган бўлади. Бу тизимда пул билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракат — ўтказма бўладими ёки харажатми — тўлиқ

кузатилади. Сиз бошқа бировга пул ўтказганингизда, тизим аввал сизнинг кимлигингизни тасдиқлайди, сўнг пулни ҳисобингиздан чиқариб, қабул қилувчининг шахсини тасдиқлагач, унинг ҳисобига қўшади. Бу пулнинг «электрон бармоқ изи» янги эгасига унинг янги бармоқ изи билан ўтади. Бу жараён «банк чеки» ёзишга ўхшайди; исм, шахсни тасдиқловчи ҳужжат ва имзо мос келмаса, ундан фойдаланиб бўлмайди.

Кодланган (Токен асосидаги) рақамли валюталар (token-based): Бу шакл чўнтагингиздаги нақд қоғоз пулларга ўхшайди, фақат у электрон ҳамён ичидаги рақамли кўринишда бўлади. Бу ерда қиймат очиқ блокчейн тармоқларида (масалан, Ethereum, Tron ёки Solana) ишлайдиган шифрланган «рақамли токен» (Токен) ичида сақланади. Тизим учун «сиз кимсиз?» деган савол муҳим эмас, балки «бу токен ҳақиқийми ёки қалбакими?» деган савол муҳимдир. Бирор кишига пул тўлаганингизда, токенга эгалик ҳуқуқи тизимга шахсингизни ошкор қилмаган ҳолда сизнинг ҳамёнингиздан унинг ҳамёнига зудлик билан ўтади. Бу худди бировга 10 долларлик қоғоз пулни қўлдан-қўлга бериш билан баробар. Тасдиқлаш жараёни эса ҳамёнингиздаги (очиқ ва ёпиқ) шифрлаш калитлари орқали амалга оширилади. Бу «совға карталари»га ўхшайди; карта кимнинг қўлида бўлса, ўша одам дарҳол харид қилиши мумкин, дўкон эса унинг кимлигини сўраб ўтирмайди, асосийси — карта



амал қилиш муддатида ва ичида маблағи бўлса кифоя.

Бу икки турдаги рақамли валюталарни чиқариш ва тарқатиш икки босқичда амалга оширилади: биринчиси — банклар учун облигациялар каби активлар эвазига улгуржи босқич, иккинчиси — электрон иловалар орқали жисмоний шахслар учун чакана босқич. Бу валюталар бевосита Марказий банкка боғлангани учун давлат уларнинг номинал қийматига кафил бўлади. Бироқ бу боғлиқлик давлатга **«пулни дастурлаш ва йўналтириш»** ваколатини беради. Масалан, пулни ишлатиш учун маълум вақт чегараларини қўйиш ёки суд қарорисиз ҳисобларни зудлик билан музлатиб қўйиш мумкин бўлади. Бу эса молиявий махфийликни (конфиденциалликни) буткул йўққа чиқаради. Агар Марказий банк жамиятни истеъмол қилишга мажбурлаш учун «манфий фоиз» ставкасини жорий қилса ёки тўғридан-тўғри маблағларни чегириб олса, фуқаро бундан қочиб кутула олмайди. Ҳозирда бу турдаги пулларнинг умумий пул массасидаги улуши жуда кам — дунё бўйича айланмаси 4 миллиард доллардан ошмайди, чунки одамлар уларни қабул қилишга шошилмаяпти. Аммо давлат қўллови билан бу кўрсаткич 10 йил ичида 500 миллиард долларга етиши кутилмоқда.

2-Барқарор рақамли валюталар (стейблкоинс): Бу рақамли пул сахнасининг иккинчи томони. Тўғри, бу ҳам рақамли валюта, лекин у марказий

банклар томонидан эмас, балки хусусий компания ва муассасалар томонидан чиқарилади (энг машҳурлари — USDT чиқарувчи «Тетер» (Tether) ва USDC чиқарувчи «Сёркл» (Circle) компанияларидир). Бугунги кунда уларнинг аксарияти юқорида айтиб ўтилган «Токен» тизимида ишлайди. Уларнинг асосий ғояси — «рақамли активларни» тақдим этиш бўлиб, компаниялар бу активлар АҚШ долларига (1:1) нисбатда боғланганлигини ва уларнинг қийматини кафолатлаш учун ҳақиқий долларлар ҳамда ғазначилик облигациялари кўринишидаги параллель захиралар сақланишини даъво қиладилар.

Жараён мижознинг — одатда бу йирик савдо платформаси ёки йирик молиявий муассаса бўлади — ўз анъанавий ликвидлигини (нақд пулларини) савдони осонлаштириш учун рақамли оламга ўтказиш истагидан бошланади. Бу мижоз ўз анъанавий банк ҳисоб рақамидан, айтайлик, юз миллион доллар ҳақиқий маблағни тўғридан-тўғри «Тетер» каби чиқарувчи компаниянинг банк ҳисобига ўтказади. Компания тизимлари ҳақиқий долларлар келиб тушганини ва уларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаши билан, блокчейн тармоғида зудлик билан **«Майнинг» (Зарб қилиш)** деб аталадиган дастурий буйруқни амалга оширади. Бу банк ҳисобига кирган долларлар эвазига йўқдан бор қилинган юз миллион дона мутлақо янги рақамли токенларни яратиш демакдир. Кейинги босқичда



компания ушбу янги дастурий кодларни (токенларни) тўғридан-тўғри мижознинг шифрланган электрон ҳамёнига юборади. Мижоз уларни крипто-оламда қабул қилиб олади ва платформалар орқали айлантиришни, савдо қилишни ёки оддий шахсларга сотишни бошлайди. Шу тариқа топшириш жараёни яқунланади ва мижоз ўз рақамли рақамлари билан анъанавий пул ҳаракатидан ажралади.

Саҳна ортида эса компания томонидан активларни сақлаш ва бошқариш муҳандислиги бошланади. Компания ушбу ҳақиқий миллионларни банк ҳисобида шунчаки ҳаракатсиз қолдирмайди. Уларнинг фақат кичик бир қисмини кутилмаган қайтариб олиш жараёнлари учун нақд ликвидлик сифатида сақлайди. Миллионларнинг катта қисмига эса молия бозоридан зудлик билан АҚШнинг қисқа муддатли ғазначилик облигацияларини сотиб олади. Бу облигациялар компания номида «қонуний қоплама» ва рақамли валюта қийматини дунё олдида кафолатловчи «захира активлари» сифатида сақланади. Шу билан бирга, бу облигациялар компания хазинасига улкан фойда ва рибо (фоизлар) келтиради. Иккинчи томондаги мижоз эса ҳеч қандай даромад келтирмайдиган шунчаки мавҳум рақамли токенлари билан қаноатланади.

Молиявий маълумотлар ушбу муҳандислик натижасида келиб чиқаётган афсонавий фойдалар кўламини очиб беради: биргина

«Тетер» компаниясининг ўзи 2024 йилда 13 миллиард доллар соф фойда кўрган бўлса, 2025 йилнинг охиригача фойдаси 10 миллиард долларлик довондан ошиб кетди. Ушбу хусусий компания АҚШнинг 141 миллиард долларлик қарз мажбуриятларига (облигацияларига) эгалик қилиш билан Америка давлат қарзини сақлаш ҳажми бўйича Германия каби йирик давлатлар ва иқтисодиётлардан ўзиб кетди.

Бугунги кунда ушбу секторнинг дунё миқёсидаги ҳажми қарийб 250 миллиард долларни ташкил этади ва яқин ўн йил ичида бу кўрсаткич 1500 миллиард (1.5 триллион) долларга етиши кутилмоқда. Ушбу улкан рақамли талаб Конгресс томонидан белгиланган қарз шифтини айланиб ўтмайди, аксинча, тизим учун «оғрик қолдирувчи ва енгиллаштирувчи» восита бўлиб хизмат қилади. У АҚШ давлат қарзига бўлган талабни оширади ва фоиз ставкаларини туширади, бу эса АҚШ маъмуриятига қарз олиш ва инфляция сиёсатини давом эттириш учун қўшимча вақт беради.

Мижозлар ва молиявий муассасаларнинг анъанавий банк ҳисобларидан кўра ушбу барқарор рақамли долларларни афзал кўришига сабаб — уларнинг анъанавий банк тизими чекловларидан озод бўлиш истагидир. Бу уларга оддий банклар бера олмайдиган учта стратегик устунликни тақдим этади:



Биринчи устунлик — ўта юқори тезлик ва 24/7 иш тартиби. Анъанавий банклар маълум иш соатлари ва дам олиш кунларига бўйсунди. «СВИФТ» тизими орқали халқаро пул ўтказмалари вакил банклардан ўтиши учун кунлаб вақт талаб этади, бундан ташқари тўловлар ҳам жуда юқори. Бунинг акси ўлароқ, рақамли валюталар юз миллионлаб маблағни бир неча сония ичида, йил давомида тўхташсиз, кечаю кундуз исталган вақтда ва атиги бир неча доллар эвазига чегаралардан ўтказиш имконини беради.

Иккинчи устунлик — крипто-муҳит ва сунъий интеллект ичидаги ҳаракатчанлик. Ушбу барқарор коинлар (стейблкоинлар) рақамли ҳамда марказлаштирилмаган молия бозорлари ва савдо платформаларининг «асосий ёнилғиси» ҳисобланади. Мижоз мураккаб текширув жараёнлари ва ҳар бир амалиёт учун алоҳида тасдиқ талаб қиладиган жорий банк ҳисоб рақамидан фойдаланган ҳолда, крипто-бозорлардаги тезкор инвестициявий имкониятларни ўз вақтида ушлаб қола олмайди. Шу сабабли, унга блокчейн тармоқлари ишлайдиган дастурлаш тили билан бир хил муҳитда яшайдиган ва худди шу тезликда ҳаракатланадиган барқарор валюта зарур бўлади.

Учинчи ва энг муҳим устунлик — тўғридан-тўғри назорат ва ҳисобларнинг музлатилиш хавфидан ҳимояланиш. Анъанавий банк ҳисоблари маҳаллий қонунлар, банк назорати ва исталган сабаб билан маблағларни музлатиб қўйиши мумкин

бўлган суд ёки сиёсий қарорларнинг бевосита зарбаси остида туради. Рақамли долларлар эса мижозга муайян мустақиллик беради: маблағлар шахсий ҳамёнга ўтказилгач, улар анъанавий банк назоратидан узоқда, бевосита эгасининг ихтиёрига ўтади. Бу эса мижозга ҳар бир ҳаракати ёки харажатини доимий оқлаб бериш мажбуриятисиз пулларни кўчириш ва ишлатишда тўлиқ эркинлик беради.

3-Марказлашмаган

криптовалюталар: Бу рақамли манзарада Биткоин бошчилигидаги марказлашмаган криптовалюталар мутлақо мустақил ва параллель ҳодиса сифатида пайдо бўлади. Улар «блокчейн» технологиясига таянувчи улкан ва тарқоқ компьютер тармоқлари орқали бошқарилади. Бу валюталарнинг асосий хусусияти шундаки, улар ҳеч қандай марказий банк томонидан қўллаб-қувватланмайди ва ҳеч қандай моддий молиявий қопламага эга эмас. Уларнинг бозордаги қиймати ва нархи фақатгина соф спекуляция (ажиотаж) ва фойдаланувчилар ўртасидаги жамоавий келишувга таянади. Бу эса уларни нархларнинг кескин ва кутилмаган тебранишларига заиф қилиб қўяди, чунки инқироз пайтида уларнинг номинал қийматини ҳимоя қиладиган ҳеч қандай қонуний ёки суверен қафолат мавжуд эмас.

Бу бозорнинг тубида «нолга тенг бўлган спекуляция механизми» (Зиро-сам гейм) ётади. Яъни тизим натижаси нолга тенг бўлган молиявий ўйин каби



бошқарилади: бир инвестор ютган ҳар бир долларнинг ортида дунёнинг қайсидир нуктасида бошқа бир инвестор ютқазган доллар туради. Бунда ҳақиқий фойда одатда паст нархларда сотиб олган «биринчилардан бўлган» ҳомийларга насиб этади, зарар эса кеч қолганларнинг зиммасига тушади. Ушбу ўйинда энг ақлли ва энг хавфсиз фойда кўрувчилар — йирик савдо биржаларидир. Улар нархларнинг кўтарилиши ёки тушишидан қатъи назар, ҳар бир пул ечиш ва тўлов амалиётларидан олинadиган комиссиялар орқали ўз бойликларини кўпайтирадилар. Бу худди қиморхона эгаларига ўхшайди: ўйинчиларнинг ҳаракатидан доимо казино эгаси фойда кўради. Фойда занжирида улардан кейин «китлар» (йирик инвесторлар) ва энергияни аёвсиз истеъмол қилувчи саноат майнинг (қазиб олиш) сектори туради. Очкўзлик ва медиа тўлқинлари таъсирида бозорга оқиб келган «кеч қолган» кичик харидорларнинг пуллари эса, нарх энг юқори чўққига чиқиб, оммавий сотувлар бошланганда бир зумда йўқликка юз тутиш хавфи остида қолади.

Бугунги кунда криптовалюталар бозорининг умумий ҳажми қарийб 2,5 триллион долларни ташкил этади. Бу рақам ушбу марказлашмаган секторни ҳаракатга келтираётган улкан ликвидлик ва молиявий таваккалчилик кўламини ифодалайди. Барча хавф-хатарларига қарамай, у халқаро молия майдонида эътиборсиз қолдириб

бўлмайдиган ўйинчига айланиб улгурди.

Бешинчи: Активларнинг «сассиз» экспроприацияси ва молиявий талончилик механизмлари

Илгари халқларнинг реал бойликларини ўзлаштириш учун мураккаб бюрократик жараёнлар ва ҳуқуқий асослар талаб этилган бўлса, бугунги рақамли иқтисодиёт ва марказлашган пул-кредит сиёсати даврида бу тўсиқлар бартараф этилди. Ҳукуматлар фуқароларнинг капитали ва меҳнат қийматини «бир тугмани босиш» орқали зудлик билан мусодара қилиш имконига эга бўлдилар. Бу жараён қуйидаги иқтисодий воситалар орқали амалга оширилади:

1. Пул массасининг назоратсиз эмиссияси (Гиперинфляция хавфи): Рақамли валюталар ва замонавий банк тизими пул босиб чиқариш жараёнини ҳаддан ташқари соддалаштирди. Ҳар бир иқтисодий рецессия даврида марказий банклар бозорга триллионлаб виртуал долларларни киритади (микдорий юмшатиш). Натижада товар ва хизматлар нархи кескин ортиб, истеъмол даромадларининг реал ўсишидан анча ўзиб кетади. Бу эса аҳолининг ҳаётий зарур маҳсулотларни харид қилиш имкониятини тизимли равишда пасайтиради.

2. Кантильон эффекти ва харид қобилиятининг емирилиши: Янги эмиссия қилинган пуллар иқтисодиётга кириб келганда, улар биринчи бўлиб ҳукумат ва унга яқин йирик молиявий



институтларга етиб боради. Ушбу субъектлар маблағларни нархлар кўтарилмасдан туриб активларга (кўчмас мулк, қимматли қоғозлар) йўналтирадилар. Пул оммавий муомалага, яъни оддий фуқароларга етиб боргунча эса инфляция ўз ишини қилиб бўлади: номинал пул миқдори сақланса-да, унинг реал харид қобилияти кескин пасаяди.

3. Яширин солиққа тортиш (Валюта девальвацияси):

Ҳукуматлар халқнинг эътирозига сабаб бўлувчи тўғридан-тўғри солиқларни ошириш ўрнига, бюджет тақчиллиги ва давлат қарзларини қоплаш учун миллий валютани қадрсизлантириш йўлидан борадилар. Бу «сассиз» молиявий ҳийла валютанинг харид қувватини ички ва ташқи бозорда пасайтиради. Туркия (лиранинг 2020 йилдан буён 85 фоизга қадрсизланиши), Аргентина ва Ливан бу иқтисодий сиёсатнинг яққол мисолларидир.

Натижада фуқароларнинг узоқ йиллик жамғармалари қисқа муддатда ўз қийматини йўқотади.

4. Манфий фоиз ставкалари ва мажбурий истеъмол сиёсати:

Нақд пул (қоғоз пул) даврида, агар банк сиёсати ёқмаса, пулни ечиб олиб, уйда сақлаш имкони бор эди. Нақд пулсиз иқтисодиёт шароитида жамғармаларни банк тизимидан ташқарида сақлаш имконияти чекланади. Бу эса молиявий тизимга «манфий фоиз» ставкаларини жорий этиш, яъни омонатлардан мунтазам равишда ҳақ чегириб қолиш имконини беради. Бу сиздан капитални

жамғаришни эмас, балки уни мажбуран сарфлаш орқали капиталистик бозорни ҳаракатга келтиришни талаб қилишдир. Худди **Европа ва Швейцария банклари** омонатчиларни харид қилишга ва бозорни фаоллаштиришга мажбурлаш учун ҳисоблардан тўғридан-тўғри ҳақ чегириб қолганидек. Энг хавфлиси эса Хитойнинг «дастурланган амал қилиш муддатига эга рақамли юань» тажрибасидир: бунда пулнинг ишлатилиш муддати белгиланади; фуқаро пулни ё икки ҳафта ичида сарфлаши керак, ёки пул бир тугмани босиш билан унинг электрон ҳамёнидан ғойиб бўлади.

5. Активларни тезкор блоклаш ва мусодара қилиш:

2013 йилда Кипрда одамлар омонатларининг бир қисми кесиб олинганини ёки 2019 йилда Ливанда маблағлар блокда қолиб, қийматининг 80 фоизини йўқотганини эслайлик. Ёки 2022 йилда Канада ҳукумати ҳеч қандай суд қарорисиз намоишчиларнинг ҳисобларини музлатиб қўйганини. Рақамли молия оламида давлатга катта куч керак эмас, у рақамли тизим орқали бир неча дақиқа ичида миллионлаб фуқароларнинг ҳисоб рақамларини тўхтатиб қўя олади.

6. Молиявий айғоқчилик ва транзакцион назорат:

Рақамли тизим сиз сарфлаган ҳар бир тийинни (қаерда, қачон ва ким билан) батафсил қайд этиб боради. Бу эса ҳокимиятга сизнинг транзакцияларингизни йўналтириш, ижтимоий ёрдамлардан маҳрум қилиш



ёки ҳатто маълум товарларни сотиб олишингизни тақиқлаш учун тўлиқ имконият беради. Бундай кириб бориш инсоннинг ўз моли устидаги ҳукмронлигига қилинган очик тажовуздир. Ваҳоланки, Ислом шариати инсоннинг ўз мулкига эгалик қилиш ҳуқуқини кафолатлаган ва унга дахл қилишни ҳаром қилган.

7. Тезкор инқирозлар ва тизимли хавфлар: 2008 йилги молиявий инқироз пайтида йирик банкларнинг кулаши ва одамлар вазиятни англаши учун ойлаб вақт кетган эди. Бугун эса тезлик даҳшатли даражада: «Терра/Луна» каби миллиардлаб маблағ айланадиган рақамли тармоқлар беш кун ичида йўқ бўлди, «FTX» платформаси ўн кун ичида барбод бўлди. Анъанавий банклар рақамли тармоқларга боғланган экан, келгуси инқирозлар кунлар эмас, соатлар ичида содир бўлади. Бу эса оддий инсонни ўз пуллари қутқариб қолиш ёки ўзини ҳимоя қилиш учун ҳар қандай имкониятдан маҳрум этади.

Олтинчи: шариат мезонида, активлар реаллигини вожиблиги ва замонавий молиявий архитектуранинг ботиллиги

Глобал молиявий инқирозларни кузатиш бойликлари муҳофаза қилиш ва иқтисодий адолатни қарор топтириш учун Ислом белгилаб берган фундаментал шаръий мезонларга қайтишни тақозо этади. Ислом шариати олтин ва кумушнинг пулни ифодаловчи ягона стандарт

(биметаллизм) деб белгилаган. Бу борада бир-бирини қувватловчи кўплаб шаръий далиллар мавжуд:

1. **Жон хуни (дия):** Пайғамбаримиз ﷺ молиявий товонни маълум миқдордаги олтинга боғлаганлар: **«Олтин эгаларига минг динар».**
2. **Жиноий ҳуқуқдаги мезон:** Ўғрилик учун белгиланган жазо (ҳад) маълум бир олтин нисобига боғланган: **«Ўғрининг қўли чорак динар ва ундан ортиғидагина кесилади».**
3. **Молиявий мажбуриятлар:** Закот нисоби айнан олтин ва кумуш вазнига асосланган. Шунингдек, валюта айирбошлаш (сарф) ва рибо ҳукмлари ҳам ушбу металлларга хосланган: **«Олтинни кумушга, кумушни олтинга қандай хоҳласангиз шундай сотинг, илло нақд бўлиш шарти билан».**

Ушбу ҳукмлар Расулуллоҳ ﷺ ва Хулафои Рошидинлар давридаги иқтисодий муносабатларнинг пойдевори бўлган. Бу шаръий қоидалар ўзгармас экан, давлат ўз пул тизимини олтин ва кумушга ёки уларнинг банкдаги юз фоизлик захираси билан таъминланган пул бирликларига асослаши вожибдир.

Ички қиймат ва фиат валюталарнинг моҳияти: Олтин ва кумушнинг ўзига хослиги шундаки, улар табиатан барқарор ички қийматга (intrinsic value) эга. Замонавий «фиат» (мажбурий) валюталар (қоғоз ва



рақамли) эса ҳеч қандай ички қийматга эга эмас. Уларнинг мавжудлиги фақат сиёсий конъюнктурага қараб ўзгарувчи мажбурий қонунларга таянади. Ҳозирги пул тизимларида бойлик «йўқдан бор» қилинмоқда. Хусусан, банк тизими хазинада асли мавжуд бўлмаган маблағларни кредит сифатида яратиш (fractional reserve banking) асосига қурилган бўлиб, бу Расулulloҳ ﷺнинг «инсон ўзида йўқ нарсани сотиши» ҳақидаги қайтариқнинг айнан ўзидир.

Бундан ташқари, ўзгалар мулкини ботил йўл билан ўзлаштириш ҳаромдир. Валюта қийматини режали пасайтириш ва сунъий инфляция — бу инсон меҳнати ва жамғармаларини пул чиқарувчи элита фойдасига атайлаб кемиришдир. Бу жараён Қуръони Каримдаги:

﴿وَلَا تَأْكُلُوا أَمْوَالَكُمْ بَيْنَكُمْ بِالْبَاطِلِ﴾ **«Бир-бирларингизнинг молларингизни ботил йўл билан еманг!»** (Бақара:188) оятида ман этилган иқтисодий жиноятнинг энг замонавий кўринишидир.

Хулоса ва стратегик муқобил ечим

Барча иқтисодий кўрсаткичлар ягона ҳақиқатга ишора қилмоқда: замонавий пул тизими — пулни эмиссия қилувчи ва реал активларга эгалик қилувчи озчиликка хизмат қилиш учун лойиҳалаштирилган бўлиб, оддий фуқаро бу тизимнинг доимий қурбонидир. «Валюталарнинг рақамлаштирилиши» шунчаки техник тараққиёт эмас, балки халқлар бойлигини мусодара қилиш жараёнини тезлаштириш ва чуқурлаштириш воситасидир.

Ҳозирги тизим боши берк кўчага кириб қолган экан, инсониятнинг иқтисодий хавфсизлигини ҳимоя қилиш қуйидаги барқарор икки асосда бўлиши шарт:

Реал пул базасига қайтиш: Ички ва барқарор қийматга эга бўлган «олтин ва кумуш» стандартини тиклаш.

Шаръий тартибга солиш: Барча молиявий муомалаларни рибо (судхўрлик), ғарар (ноаниқлик), монополия ва валюта манипуляцияларини тақиқловчи Ислом шариати қоидаларига бўйсундириш. Бу тизим шахсий мулк дахлсизлигини ва инсон ҳаётининг молиявий махфийлигини тўлиқ кафолатлайди.



ИНСОН: ХАЛИФАЛИК ОМОНАТИ ВА ФОНИЙ ҲАЁТ САРОБИ ОРАСИДА

Муаллиф: Мунис Ҳамид – Ирок

Аллоҳ Таоло Инсонни яратганда, уни беҳудага яратмади ва бу кенг дунёда Ўз ҳолига ташлаб қўймади. Аксинча, уни ер юзида Ўзининг халифаси қилиб, буюк бир омонатни зиммасига юклади. Бу омонатни на буюк тоғлар, на осмонлар ва на ер кўтара олмади. Аллоҳ унга Ўз руҳидан пуфлади, ақл ва ирода билан мукаррам қилди, фаришталарга унинг ҳурмати учун сажда қилишни буюрди. Сўнгра унинг вужудига бир сир жойладики, бу сир уни Аллоҳга яқинликнинг энг юқори мартабаларига кўтарилишга ёки тубанликнинг энг паст даражаларига қулашга қодир қилди.

Инсоннинг энг биринчи вазифаси — ҳақиқатга гувоҳ бўлиш, яхшилик учун ҳаракат қилиш ва ер юзида бузғунчилик эмас, балки ислоҳотчилик қилиш эди. Ундан дунёни самовий қадриятлар билан обод қилиш ва ўз ҳаётини абадий наъим жаннатларига ўтиш кўпригига айлантириш талаб қилинган эди.

Аммо Инсоннинг энг катта фожиаси, у ўз мақсадини унутган, воситалар билан машғул бўлиб қолган кундан бошланди. Дунё уни шу қадар мафтун этдики, охир-оқибат ўз асл мақсадини унутиб қўйди.

Кўпчилик одамлар наздида дунё охират экини экиладиган майдон эмас, балки ўз-ўзидан асосий мақсадга айланиб қолди. Инсон ўлмас ҳаётни сотиб олиш мумкиндек мол-дунё ортидан чопадиган, азаматликни одамлар берадигандек обрў-эътибор кетидан кувадиган бўлиб қолди. У бир кун келиб ташлаб кетиши аниқ бўлган ўткинчи матоҳлар кетидан чопмоқда. Дунёга муҳаббати ортгани сайин, ундан айрилиш кўркуви ҳам зиёда бўлди. Дунёга яқинлашгани сайин, унинг

ичидан излаётган ҳаловатидан узоқлашди.

Энг ажабланарлиси шундаки, инсон сароб эканлигини била туриб, уни қувишда давом этмоқда. У ўз атрофида ўлим авлодларни қандай олиб кетаётганини, қасрлар вайронага айланганини, подшоҳлар ва бойларнинг исмлари унутилиб кетганини кўриб турибди. Шунга қарамай, ўз ичида «менинг сафарим аввалгиларникидан бошқача бўлади» деб ўйлайди. Гўёки инсониятнинг узун тарихи у мағзини чақмаган бир дарс холос.

Кўпчилик Инсонлар ер юзини обод этиш, Аллоҳнинг Халифаси бўлишдек олий вазифа — истихлоф рисолатидан юз ўгириб, уни ҳаётнинг паст тирикчилик ғамига алмаштириб қўйдилар. Бугунги кунда инсонларнинг бор ташвиши — жамиятга бирор фойда беришдан кўра ундан кўпроқ узиб олиш, бунёд этиш ва юксалтиришдан кўра кўпроқ мол-дунё ортидан қулдек қувиш ҳамда асл қиёфасидан кўра сохта ва ҳашаматлироқ кўриниш бўлиб қолди. Одамларнинг руҳияти беҳуда



гап-сўзлар, ғийбат ва нафсоний кўнгилочар маишатлар денгизига ғарқ бўлди. Булар оқибатида, инсоннинг қимматли умри хазон каби беҳуда совурилмоқда. Зеро, унинг ортидан на эзгу бир из, на келажак авлодга қоладиган олийжаноб ғоя ва на Парвардигорга юзланишга арзийдиган солиҳ амал қолмоқда.

Мана шу қизғин жон-талашлар ичида ваъда қилинган Жаннат унутилди. Шундай Жаннатки, унда ҳеч бир кўз кўрмаган, ҳеч бир қулоқ эшитмаган ва инсон ҳаёлига ҳам келмаган неъматлар бор. У бир неча соатлик лаззат, санокли йиллардаги ҳашамат ёки шуҳрат ва ҳокимиятнинг ўткинчи ваҳмлари эвазига унутилди. Кўпчилик боқийни ўткинчига, аниқни гумонга, абадий хазинани эса тутун каби тарқаб кетадиган вақтинчалик матоҳга алмашди. Токи, ўлим келганида, ҳаётнинг асл юзи очилиб қолди.

Бугунги инсоният бошидан кечираётган энг даҳшатли инқироз — қашшоқлик, хасталик ёки моддий бойликларнинг тақчиллиги эмас. Асл фожиа — инсоннинг Ер юзига нима учун келганини, яъни ўз яратилиш мақсадини унутиб қўйганидир. Агар инсон ўз мавжудлигининг ҳақиқий маъносини йўқотса, унинг қўлга киритган барча зоҳирий ютуқ ва муваффақиятлари ички руҳий бўшлиқни яшириб турувчи сохта бир ғалабадан бошқа нарса бўлмай қолади. Аммо банда ўзининг Олий Вазифасини англаб етган лаҳзада дунё унга асл қиёфасида намоён бўлади: бу ҳаёт

доимий яшаш жойи эмас, балки вақтинчалик ўтиш йўлагидир; мақсад эмас, балки унга элтувчи воситадир; абадий макон эмас, балки синов ва имтиҳон майдонидир.

Шу сабабли, Илоҳий нидо асрлар оша тинмай янграб, инсонни ўз асл табиати ва ҳақиқий бурчига қайтишга чорлаб келмоқда. Бу бурч — Ер юзида Аллоҳнинг Халифаси бўлиш, ҳақиқат, адолат ва раҳмат байроғини баланд кўтариб яшаш ҳамда ўлимдан кейинги абадий ҳаёт учун захира жамғариб, Холиқ Субҳонаху ва Таоло билан учрашишга шай туришдир. Кимки бу ҳақиқатни теран англаса, дунёни қалбининг тўрида эмас, шунчаки қўлида тутиб яшайди; унда нафс асири бўлиб эмас, мағрур бир мусофирдек юради ва ҳар бир босган қадамини тақводорлар учун ваъда қилинган Жаннат озуқасига айлантиради. Сафари қаримасдан туриб ўз Илоҳий Рисолатини эслаган, умр қанчалик узун туюлмасин — қисқа, дунё қанчалик безанмасин — ўткинчи ва арзимас эканини англаб етган нажот аҳлига хушхабарлар бўлсин!

Исломнинг улуғворлиги ҳам айнан шунда намоён бўлади: у шунчаки маълум вақтларда адо этиладиган расм-русумлар ёки масжид деворлари ичига чекланган қуруқ маросимлар мажмуаси эмас. Балки у инсоннинг ўзлигини ва олий бурчини қайта тиклайдиган, уни саодатга элтувчи тўлақонли ҳаёт Низомидир. Ислом инсонни ғафлат ботқоғидан уйғотиш, унинг Ер юзида Аллоҳнинг Халифаси эканини ҳамда



Раббиси, дини, Уммати ва бутун инсоният олдида улкан масъулияти борлигини эслатиш учун келди.

Мусулмон кишининг бу дин олдидаги вазифаси фақат куруқ исм билан унга мансуб бўлиб юриш ёки диндорликнинг зоҳирий кўринишларига биқиниб олишдан иборат эмас. Балки Унинг улуғ Рисолатини елкага ортиб чиқиш, кадриятларини жон куйдириб ҳимоя қилиш ва олийжаноб ахлоқини ҳаёт воқелигида намоён этишдир. Мусулмон фарзанди ўз содиқлиги, омонатдорлиги, адолати, илми ва амали билан Ислоннинг тирик ва намунали тимсоли бўлишга бурчлидир. Зеро, у вайрон қилувчи эмас — бунёдкор, жамиятни завола топтирувчи бузғунчи эмас — эл-юртни ислоҳ қилувчи раҳнамо бўлмоғи лозимдир.

Аллоҳ Таоло бу Умматни одамлар устидан гувоҳ бўлувчи пешқадам қилиб танлади ва Ўз Каломида шундай марҳамат қилди:

وَكَذَلِكَ جَعَلْنَاكُمْ أُمَّةً وَسَطًا لِتَكُونُوا شُهَدَاءَ عَلَى النَّاسِ

«Шунингдек, одамлар устидан гувоҳ бўлишингиз учун сизларни сара бир Уммат қилдик». (Бақара:143) Бу гувоҳлик — шунчаки оддий бир мақом эмас, балки улкан маданий, сиёсий ва даъват масъулиятидир. Унда ҳар бир

мусулмон ушбу муқаддас диннинг инсониятни залолат ботқоғидан қутқаришга, тўғри йўлга бошлаш ва икки дунёда бахтли қилишга қодир эканини ўз шахсий намунаси, юксак салоҳияти билан бутун дунёга исботлаши вожибдир.

Ислон куруқ ва баландпарвоз шиорлар ортидан эргашадиган сохта даъвогарларга эмас, балки уни ҳаёт воқелигида изчил татбиқ этадиган, фидойилик билан жидду-жаҳд қиладиган чинакам курашчиларга муҳтождир. Қачонки мусулмон ўз Умматига нисбатан содиқ ва ихлосли бўлса, ўз дини ва Илоҳий Рисолати олдидаги масъулиятини юксак омонатдорлик билан бажарса ҳамда ўз динининг асл моҳиятини теран англаб етса, ана ўшандагина у Аллоҳ ирода қилган асл мавқеига — Ер юзидаги Халифалик мақомига, ҳақиқат гувоҳлигига, раҳмат ва ҳидоят элчилигига қайтади. Ана ўшанда ушбу ўткинчи ҳаёт, арзимас матоҳлар устидаги ўзаро мусобақа майдони эмас, балки боқийлик сари улуғвор бир сафар йўлига айланади ва ҳар бир босилган қадам, қилинган солиҳ амал Аллоҳ Субҳонаҳу ва Таоло Ўз мўмин бандаларига ваъда қилган Жаннат сари ташланган қутлуғ қадам бўлиб тарихга муҳрланади.





АБДУЛЛОҲ ИБН АБДУЛЛОҲ ИБН УБАЙ ИБН САЛУЛ

Муаллиф: Райён Исо (Ироқ)

Сарвари коинот ﷺ саҳобаи киромларининг замонлар оша акс садо бериб келаётган нурафшон ҳаётномалари ичида бир саҳифа борки, у қалбларни ларзага солиб, иймон жавҳарини намоён этади. Бу — улуғ саҳобий Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул розияллоху анҳунинг қиссасидир. Унинг қисматида нур билан зулмат, иймон билан нифоқ аёвсиз тўқнаш келган: бир қутбда ўғилнинг Ҳақ таолога ва Унинг Расулига бўлган юксак садоқати порласа, иккинчи қутбда отанинг — Мадина мунофиқлари раҳнамосининг тубан ва шум ниятлари қад кўтарган. Шу боис, бу икки шахс тақдирини бир-биридан айро тасаввур этиб бўлмайди. Биз бу мақолада Ислом деган буюк ҳақиқат қаршисида бир-бирига мутлақо зид бўлган икки олам манзарасини қаламга оламиз. Тақдирнинг ажабтовур ишорасини қарангки, ҳар иккиси ҳам бир хил — «Абдуллоҳ», яъни «Аллоҳнинг бандаси» деган муборақ номни ташир эдилар.

Абдуллоҳ (ўғил) аслида асилзодалар хонадонида, иззат ва шараф оғушида вояга етган эди. Бироқ унинг қалби фақат илоҳий ҳикмат ила мунаввар бўлди, иродаси эса эътиқодининг изнига бутунлай бўйсунди. У Ислом нури ёйилган илк дамлардаёқ муборақ сафларнинг энг олдинги қаторидан жой олди. Ҳақ динни қабул қилган лаҳзадан бошлаб, бутун борлигини унинг ҳимоясига бахшида этди. Унинг виждони ва ҳаёти шу қадар яхлит эдики, у куфрга қарши қандай шижоат кўрсатган бўлса, ички иллат — нифоққа қарши ҳам шундай собит турди. Ҳатто ўз отасининг Ислом шаънига ёки Набий ﷺ мақомига тил теккизишга бўлган ҳар қандай уринишини энг ашаддий душманнинг ҳужумидек қатъият ва шижоат билан даф этди.

Тарих саҳифаларида бу зотнинг шарафли исми Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Молик ибн Ҳорис Ансорий Хазражий деб муҳрланган. Дастлаб исми «Ҳубоб» бўлган бу фидоий саҳобийга Расулуллоҳ ﷺ ўз муборақ тиллари билан «Абдуллоҳ» деб ном қўйдилар. У Бадр майдонидан бошлаб, Ислом тарихидаги барча муҳим ғазотларда мардлик кўрсатди. Айниқса, Уҳуд куни юзидан оғир жароҳат олиб, бурни кесилганда, Набий ﷺ унга олтиндан бурун ясашиб олишни буюрдилар. Бу воқеа нафақат тарих, балки инсоний кадр-қимматнинг илоҳий эътирофи сифатида сийратларга муҳрланди.

Абдуллоҳ (ота) эса салтанат ҳавасида ёнган, бошига шоҳона тож кийиш арафасида турган кимса эди. Бироқ илоҳий ирода туфайли Ислом қуёши чиқиб, унинг орзусидаги тож саробга айлангач, бу кимса маккорлик ва хусумат кўчасига кирди.



Ҳали Сарвари коинот ﷺ Мадинага ташриф буюрмасларидан аввал, Хазраж қабиласи уни ҳукмдорлик тахтига ўтказиш учун заргарона безакларни тайёрлаб қўйган эди. Аммо ансорларнинг қалби иймон нури ила мунаввар бўлгач, Ибн Убайнинг салтанат ҳақидаги хомхаёллари чил-чил бўлди. Шу лаҳзадан бошлаб унинг ичида ҳасад ва адоват илони бош кўтарди. У тилида Исломни иқрор қилса-да, дилида куфрни асраб, Мадина мунофиқларининг машъум раҳнамосига айланди.

Ҳақ таоло Ўз Каломида бу каби иккиюзламачи кимсаларнинг асл башарасини шундай тасвирлайди:

﴿وَمِنَ النَّاسِ مَن يَقُولُ ءَامَنَّا بِاللّٰهِ وَبِالْيَوْمِ الْآخِرِ وَمَا هُمْ بِمُؤْمِنِينَ ۝ يُخَدِّعُونَ اللّٰهَ وَالَّذِينَ ءَامَنُوا وَمَا يَخْدَعُونَ اِلَّا اَنْفُسَهُمْ وَمَا يَشْعُرُونَ﴾

«Одамлар орасида шундайлар ҳам борки, ўзлари мўмин бўлмаганлари ҳолда «Аллоҳга ва Охират Кунига имон келтирдик», дейишади. Улар Аллоҳ ва мўминлар билан алдашишга¹ бел боғлайдилар ва ўзлари сезмаганлари ҳолда фақат ўзлари алданур²». (Бақара:8-9) Бу илоҳий калом Ибн Убай каби тили бошқа, дили бошқа бўлган кимсаларнинг нақадар бахтсиз ва залолатда эканини бутун оламга фош этди.

Ибн Убай Мадина ҳаётида фитна уруғларини сочиш, мўминлар орасига нифоқ солиш ва адоват оловини алангалатиш билан машғул бўлди. У Бадр майдонидан бош тортди, бироқ мусулмонларнинг буюк зафари унинг ичидаги ғараз оловини баттар кучайтирди. Уҳуд ғазотида эса ўзининг хоинлик башарасини кўрсатди: қўшин йўлнинг ярмига етганда, уч юз нафар лашкарини олиб ортига қайтди. Бу хиёнат ҳақида Қуръонда шундай дейилади:

﴿وَلِيَعْلَمَ الَّذِينَ نَافَقُوا وَقِيلَ لَهُمْ تَعَالَوْا قُتِلُوا فِي سَبِيلِ اللّٰهِ اَوْ اَدْفَعُوْا قَالُوا لَوْ نَعْلَمُ قِتَالًا لَاَتَّبِعَنَّكُمْ ۖ هُمۡ لِلْكَفْرِ يَوْمَئِذٍ اَقْرَبُ مِنْهُمْ لِلْاِيْمَنِ﴾

«...Ва мунофиқлик қилганларни ҳам билиш учун бўлди. Уларга: «Келинлар, Аллоҳнинг йўлида жанг қилинлар ёки мудофаада бўлинглар», дейилса, улар: «Агар жанг бўлишини аниқ билганимизда, ортингиздан борган бўлардик», дедилар. У кунда уларга иймондан кўра куфр яқинроқ эди». (Оли Имрон:167) Улар бу баҳоналари билан ўз ичларидаги кўрқоқлик ва иймонсизликни хаспўшламоқчи бўлдилар.

¹Бу ердаги (مخادعة) сўзи (مفاعلة) бобида келяпти. Яъни бу икки тарафлама бўладиган иш. Ҳар икки тараф бир-бирини алдамоқчи бўлади. Шунинг учун биз бу сўзни алдаш эмас, алдашишга бел боғлади, деб таржима қилдик. (الخدغ) сўзи яшириш, мубҳамлаштириш. Мунофиқ ўзини мусулмон қилиб кўрсатиб, кофирлигини яширади. Мўминлар ҳам уруш ҳийлаларини мунофиқлардан яширади. «الْحَزْبُ خُدْعَةٌ» «Уруш хийладир». Аллоҳ Таоло билан қандай алдашишади? Аллоҳ Таолонинг мунофиқларни алдаши уларни билдирмасдан даражама-даража ҳалокатга йўлиқишларига қўйиб беришидир. — „Бизнинг оятларимизни ёлгон деган кимсаларни эса ўзлари билмай қоладиган тарафдан секин-аста ҳалокатга олиб борурмиз“. [Аъроф:182]
² Аллоҳнику алдаёлмаслиги аниқ, мўминларничи? Охирги ибора мунофиқларнинг мўминлар билан алдашиши хусусидаги гапдан кейин келиши, буйруқ ифодасини билдиради. Яъни эй мўминлар, мунофиқларнинг сизларни алдашларига имкон берманглар. Мудом зийрак бўлиб туринглар. Токи, уларнинг алдашга уринишлари ўзларининг зарарига қайтсин. Сўзловчи Зотнинг гапи ростлиги, аниқлиги туфайли буйруқ далолатининг қўлланиши усул илмида маълум ва машҳур.



Бану Мусталиқ ғазоти асносида у ўз нафсининг нақадар тубанлигини фош этувчи машъум сўзларни тилга олди: «Мадинага қайтганимизда, албатта, азиз ва қудратли бўлганлар хор ва заифларни у ердан қувиб чиқаради». У «азиз» деганда ўзини, «хор» деб эса — Аллоҳ паноҳ берсин — Сарвари коинот ﷺ ни назарда тутган эди. Шунда Аллоҳ таоло «Мунофиқун» сурасини нозил қилиб, ҳақиқий азизлик кимга тегишли эканини эълон қилди:

﴿يَقُولُونَ لَنْ يَرْجِعَنَا إِلَى الْمَدِينَةِ لِيُخْرِجَنَّ الْأَعَزُّ مِنْهَا الْأَذَلَّ وَلِلَّهِ الْعِزَّةُ وَلِرَسُولِهِ وَلِلْمُؤْمِنِينَ وَلَكِنَّ الْمُنَافِقِينَ لَا يَعْلَمُونَ﴾^۸

«Улар: «Агар Мадинага қайтсак, албатта, азизроқ бўлганлар хорроқ бўлганларни у ердан чиқариб юборур», дейдилар. Ҳолбуки, азизлик (қудрат) Аллоҳга, Унинг Расулига ва мўминларга хосдир. Лекин мунофиқлар буни билмайдилар» (Мунофиқун:8)

Мунофиқлар раҳнамози Ибн Убай Ислом биносини пойдеворидан емиришга қай даражада тиришган бўлса, унинг саодатли фарзанди Абдуллоҳ дин устунларини мустаҳкамлашга шунчалик интилди. Отасининг машъум сўзлари Абдуллоҳнинг қулоғига етган, айти пайтда отасининг бу гапларни қатъий инкор этиб, ёлғон қасамлар ичаётганидан ҳам хабардор эди. Бироқ кўп ўтмай, самовий ҳақиқат нозил бўлиб, бор ҳақиқатни ошкор этди. Бу илоҳий ҳукм содиқ ўғилнинг нафсидаги маҳзунлик шиддатини энг юқори нуқтага кўтариб, юрагини аччиқ ғам ва изтироб рангларига бўяди.

Сарвари коинот ﷺ ёш саҳобий Зайд ибн Арқамни ҳузурларига чорлаб: «Эй Зайд, Аллоҳ сени сўзларингни тасдиқлади», дея марҳамат қилдилар ва унга мунофиқларнинг асл башарасини фош этувчи, Зайднинг содиқлигини исботловчи ушбу оятларни тиловат қилдилар:

﴿هُمُ الَّذِينَ يَقُولُونَ لَا تُنْفِقُوا عَلَى مَنْ عِنْدَ رَسُولِ اللَّهِ حَتَّى يَنْفَضُوا وَلِلَّهِ خَزَائِنُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَلَكِنَّ الْمُنَافِقِينَ لَا يَقْفَهُونَ﴾^۷ يَقُولُونَ لَنْ يَرْجِعَنَا إِلَى الْمَدِينَةِ لِيُخْرِجَنَّ الْأَعَزُّ مِنْهَا الْأَذَلَّ وَلِلَّهِ الْعِزَّةُ وَلِرَسُولِهِ وَلِلْمُؤْمِنِينَ وَلَكِنَّ الْمُنَافِقِينَ لَا يَعْلَمُونَ^۸

«Улар: «Аллоҳнинг Расули ҳузуридаги кишиларга нафақа қилманглар, токи тарқалиб кетсинлар», дейдиган кимсалардир. Ҳолбуки, осмонлару ернинг барча хазиналари Аллоҳникидир, лекин мунофиқлар буни англамайдилар. Улар яна: «Агар Мадинага қайтсак, албатта, азизроқ ва қудратлироқ бўлганлар хорроқ бўлганларни у ердан қувиб чиқарур», дейдилар. Ҳолбуки, азизлик ва юксаклик Аллоҳга, Унинг Расулига ва мўминларга хосдир. Лекин мунофиқлар бу ҳақиқатни билмайдилар». (Мунофиқун:7-8)



Шундан сўнг, Абдуллоҳ дилидаги оғриқ ва иймоний матонат ила Набий ﷺ ҳузурларига шошилди. У ерда тарих зарварақларида олтин ҳарфлар билан муҳрланиб, асрлар оша садо берадиган ушбу сўзларни айтди: *«Ё Расулуллоҳ! Аллоҳга қасамки, аслида у хор ва маҳкумдир, Сиз эса азиз ва мукаррамсиз! Агар изн берсангиз, унинг жазосини ўз қўлим билан ижро этай. Хазраж қабиласи орасида мендек отасига икром кўрсатувчи йўқлигини ҳамма билади. Бироқ бошқа бир мўмин уни ўлдириб, отамнинг қотили ер юзида юрганини кўришга нафсим чидамай, уни ўлдириб қўйишимдан кўрқаман. Натижада кофир учун мўминни қатл этиб, дўзах ўтига дучор бўлишни истамайман».*

Бироқ Раҳмат пайғамбари ﷺ саҳобийнинг синиқ кўнглини кўтариб, изтироб чеккан қалбига илоҳий таскин бердилар: **«Йўқ, эй Абдуллоҳ! Модомики у орамизда экан, биз унга яхшилик қиламиз ва марҳамат кўрсатамиз. Одамлар «Муҳаммад ўз саҳобаларини қатл этипти», деб фитна тарқатишларига йўл қўймаймиз. Сен эса фарзандлик бурчингни адо этишда, отангга яхшилик қилишда давом эт».**

Абдуллоҳнинг бу жасорати эътиқод риштаси ҳар қандай қон-қариндошликдан устун, Аллоҳ йўлидаги муҳаббат эса энг енгилмас куч эканига тирик ва ёрқин далилдир. У Набий ﷺ ҳузурларидан чиққач, Мадина остонасида отасининг йўлини тўсди. Токи отаси ўз тубанлигини эътироф этиб: *«Мен энг хор кимсаман, Расулуллоҳ эса энг азиз Зотдирлар!»* деб иқроор бўлмагунча, уни шаҳарга киритмади. Фақатгина Сарвари коинот ﷺнинг муборак ишораларидан кейингина отасининг йўлини очиб берди.

Бундан ташқари, Ибн Убай мўминлар онаси Оиша розияллоҳу анҳога нисбатан уюштирилган машъум «Ифк» ҳодисасида ҳам фитна байроқдори бўлди. У покдомон онамизнинг шаънларига лой чаплаб, ёлғон ва бўҳтонлар тарқатишга бошчилик қилди. Бироқ Ҳақ таоло «Нур» сураси оятлари орқали онамизнинг пок эканликларини самодан эълон қилиб, мунофиқларнинг юзини қора қилгунга қадар, у ўзининг разолат ботқоғида қолаверди.

Сарвари коинот ﷺ Ибн Убайга унинг зоҳирий иқрорига биноан муомала қилдилар. Уни таъқиб қилмадилар ва сирини ошкор этмадилар. Зеро, Набий ﷺ инсонларнинг зоҳирига қараб ҳукм қилишга, ботинларини эса Ҳақ субҳанаҳу ва таолога ҳавола этишга маъмур эдилар. Мунофиқ эса бу марҳаматдан фойдаланиб, макру ҳийлаларини кўпайтираверди. У вафотига қадар Мадинадаги нифок уясининг бошлиғи, Ислоҳ жамияти ичидаги энг хавfli хоин бўлиб қолди. Бироқ у Ҳақ динга заррача зарар етказа олмади, чунки Аллоҳ Ўз динини ва Набийини мунофиқларнинг шумлигидан Ўз паноҳида асради.

Бу машъум қисмат — тилида бир, дилида бошқа бўлган ҳар бир кимса учун абадий ибрат бўлиб қолди. Зеро, Қахҳор бўлган Аллоҳ айтганидек:



﴿إِنَّ الْمُنْفِقِينَ فِي الدَّرَكِ الْأَسْفَلِ مِنَ النَّارِ وَلَنْ تَجِدَ لَهُمْ نَصِيرًا ١٤٥﴾

«Албатта, мунофиқлар дўзахнинг энг қуйи қаъридадирлар ва уларга ҳеч қандай ёрдамчи топмассан» (Нисо:145) Бу оят — Ҳақ билан ўйнашган, муқаддасотларга тил теккизган ҳар бир мунофиқ учун охирадаги аянчли ҳукмдир.

Аммо саодатли ўғил — Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу Ҳақ таолога берган аҳду паймониға умрининг сўнгги нафасиғача содиқ қолди. Ямома жангининг оловли майдонларида у мислсиз қаҳрамонлик кўрсатди. Вужуди ўқ ва қилич зарбларидан тилка-пора бўлиб кетса-да, заррача ортга чекинмади. Ниҳоят, юзини душманга рўбару қилган ҳолда, шаҳидлик мақомиға мушарраф бўлиб, ваъда қилинган Жаннат боғлари сари парвоз этди.

Парвардигоро, бизни ҳам Ўз раҳматинг ила ана шундай содиқ зотлар билан бирга маҳшаргоҳда жам қилгин. Охирги дуомиз: Оламлар Рабби Аллоҳға беадад ҳамду санолар бўлсин!





ЯХШИЛИК ВА ЁМОНЛИКНИНГ ИЛОҲИЙ МЕЗОНИ

Халифа Мухаммад (Иордания)

Ҳақ субҳанаҳу ва таоло Ўз Каломи мажидида банданинг ожиз идроки ва илоҳий ҳикмат ўртасидаги нозик риштани шундай баён этади:

﴿كُتِبَ عَلَيْكُمُ الْقِتَالُ وَهُوَ كُرْهُ لَكُمْ وَعَسَى أَنْ تَكْرَهُوا شَيْئًا وَهُوَ خَيْرٌ لَكُمْ وَعَسَى أَنْ تُحِبُّوا شَيْئًا وَهُوَ شَرٌّ لَكُمْ وَاللَّهُ يَعْلَمُ وَأَنْتُمْ لَا تَعْلَمُونَ ٢١٦﴾

«Сизларга ёқмаса-да, жанг қилиш фарз қилинди. Эҳтимол, сиз ёқтирмаган нарса сиз учун яхшидир ва эҳтимол, сиз ёқтирган нарса сиз учун ёмондир. Аллоҳ билур, сиз эса билмассиз» (Бақара:216)

Мазкур ояти карима мусулмон уммати зиммасига жиҳод масъулияти юкланганидан башорат бериш билан бошланади. Оятдаги «фарз қилинди» маъносини ташувчи «**кутиба**» феъли мажҳул нисбатда келиб, бу амрнинг илоҳий бир тақдир ва шаръий вожибот эканига ишора қилади. Яъни, «жанг қилинглар» деган ҳукм — шубҳасиз бажарилиши лозим бўлган фарздир. Ушбу амрнинг «ва у сиз учун ёқимсиздир» деган ҳол жумласи ила тавсифланиши эса, нафснинг табиий ожизлиги ва машаққат қаршисидаги ҳолатига қарамай, илоҳий ҳукмнинг нақадар собит ва таъкидли эканини намоён этади.

Бу ҳукм Ислом тарихида жангга изн берилган илк хитоб эмас. Балки зафар ва нусрат йўлидаги ижозат муборақ ҳижратдан сўнг, Мадинаи Мунаввара бағрида илк Ислом давлати қад ростлаб, мусулмонларнинг шавкати ортган лаҳзаларда бошланган эди. Бу хусусда Ҳақ таоло шундай марҳамат қилади:

﴿أُذِنَ لِلَّذِينَ يُقَتْلُونَ بِأَنَّهُمْ ظَلَمُوا﴾



«Зулм қилинганлари сабабли, ҳужумга учраганларга жанг изни берилди...». (Ҳаж:39) Зеро, Макка даврининг машаққатли йилларида мўминларга қилич кўтаришга ҳали изн берилмаган эди.

Ояти каримадаги **«курхун»** (ёқтирмаслик) истилоҳи инсон нафси бегонасирайдиган, табиати ундан хавфсираб қочадиган ҳолатларга ишорадир. Зеро, жиҳод — нафс учун оғир бир синов. У бандани одатий ҳаловатидан, ширин уйқуси ва ҳузурбахш таомларидан, жигарбандлари ва иссиқ ошёнидан жудо этади. Унинг сўқмоқларида беадад заҳмат, жон фидо қилиш, қон тўкилиши ва обод манзилларнинг кул бўлиши каби аччиқ ҳақиқатлар бор. Бироқ оятнинг давомида хушхабар берилганидек, мана шу зоҳирий заҳматлар қаърида инсоний ақл идрок этолмас даражадаги улкан хайр ва яхшилик пинҳондир.

Ҳақ таолонинг: **«Эҳтимол, сиз ёқтирмаган нарса сиз учун яхшидир ва эҳтимол, сиз ёқтирган нарса сиз учун ёмондир»** деган каломи — нафсга малол келувчи жанг фарзи ортидаги илоҳий ҳикматни ёритувчи юксак ҳулосадир. Бу оят банда суймаган нарсада аслида нажот яширин бўлишини, у талпинган саробда эса ҳалокат бўлиши мумкинлигини муқаррар ҳақиқат сифатида қарор топтиради. Оятдаги «эҳтимол» маъносини англатувчи **«аса»** калимаси инсон тилида умид ва ражони ифода этса, Раббимизнинг Каломида келганда у қатъийлик ва рўёбга чиқувчи муқаррар ҳукмни англатади.

Ушбу ояти карима инсон ҳаётидаги хайр ва шарнинг асл ва илоҳий мезонини чизиб беради. Фоний дунё тушунчаларига асир бўлган инсон, одатда, фақат нафсига ҳузур бағишловчи нарсани яхшилик, машаққат бергувчини эса ёмонлик деб ўйлайди. Ваҳоланки, бу ўлчов ҳақиқат мезонида доим ҳам тўғри чиқавермайди. Не-не ишлар борки, банда ундан хавфсирайди, лекин унинг замирида илоҳий бир лутф ва хайр мужассам. Қанчадан-қанча орзулар борки, инсон унга интилади, аммо унинг ниҳоясида пушаймонлик ва шар яширинган. Оятнинг **«Аллоҳ билур, сиз эса билмассиз»** деган муаззам хотимаси бунинг сирини фош этади: Раббимизнинг илми мутлақ ва бепоён, банданинг идроки эса ниҳоятда маҳдуд ва ожиздир.



Бу теран илоҳий ҳикмат бошқа кўплаб шаръий ҳукмларда ҳам ўз аксини топган. Жумладан, аҳли аёлларга бўлган муносабат борасида Ҳақ таоло шундай марҳамат қилади:

﴿وَعَاثِرُوهُنَّ بِالْمَعْرُوفِ فَإِنْ كَرِهْتُمُوهُنَّ فَعَسَى أَنْ تَكْرَهُوا شَيْئًا وَيَجْعَلَ اللَّهُ فِيهِ خَيْرًا كَثِيرًا ۙ﴾

«Улар билан гўзал тарзда яшанг. Агар уларни ёқтирмасангиз, шояд, сиз ёқтирмаган нарасида Аллоҳ кўпгина яхшиликларни пайдо қилса» (Нисо:19) Бундан англашиладики, нафсдаги ёқтирмаслик ҳисси бирор ишдан воз кечиш учун асос бўла олмайди. Зеро, бахт ва барака айнан ўша нафсга малол келган нуқтада яширин бўлиши мумкин.

Шунингдек, мўминлар онаси Оиша розияллоҳу анҳонинг муборак шаънларига бўҳтон тошлари отилган «Ифк» ҳодисасида ҳам Ҳақ таоло:

﴿لَا تَحْسَبُوهُ شَرًّا لَّكُم بَلْ هُوَ خَيْرٌ لَّكُمْ ۚ﴾

«Уни (бу бўҳтонни) ўзингиз учун ёмонлик деб ҳисобламанг, балки у сиз учун яхшиликдир», (Нур:11) дея нидо қилди. Гарчи бу мудҳиш воқеа Расулуллоҳ ﷺ ва у зотнинг хонадони учун оғир руҳий изтироб ва қалб оғриғи бўлса-да, Аллоҳ таоло уни мўминлар учун покланиш ва хайрли бир имтиҳон деб баҳолади.

Бундай юксак ва мустаҳкам иймоний қараш фақатгина мўминларга хос бўлган имтиёздир. Сарвари коинот ﷺ бу ҳақиқатни шундай латиф ифодалаганлар: **«Мўминнинг иши ажабланарлидир! Унинг ҳар бир иши хайрдир. Бу фақат мўмин учунгина хосдир: агар унга хурсандчилик етса, шукр қилади – бу унинг учун хайр бўлади. Агар унга бирор қийинчилик етса, сабр қилади – бу ҳам унинг учун хайр бўлади»**.

Ушбу ҳадисда «хайр» ҳукмининг бевосита «мўмин» сифатига боғланиши шуни англатадики, бундай саодатли мақомга фақат иймон нури орқали эришилади. Мўмин киши Ҳақ таолонинг чексиз илмига, юксак ҳикматига ва гўзал тадбирига комил таваккул ва ишонч ила суянгани боис, ҳаётнинг ҳар қандай аччиқ синовини ҳам Аллоҳдан келган бир яхшилик ва иноят деб қабул қилади.



Улуғ олим ва мутафаккир Ато ибн Халил Абу Рошта — ҳафизахуллоҳ — ушбу оятнинг маъзани шундай чақади: *«Оятнинг маъноси шуки: эҳтимол, сизлар жиҳоддаги машаққатни хуш кўрмассиз, ваҳоланки у сиз учун хайрдир. Зеро, у нусрат ва иззатга эришиш, Исломни ёйиш йўли ҳамда икки гўзал натижадан бири — ё ғалаба, ё шаҳидликка эришиш йўлидир. Шунингдек, сизлар тинчлик-осойишталик ва жангни тарк этишни суйишингиз мумкин, ваҳоланки у сиз учун ёмонликдир. Чунки бу йўл хорлик ва тубанликка, душманнинг сизга нисбатан журъатланиши ва тама қилишига олиб келади. Агар сиз бу ишни ўз хоҳиш-истакларингизга ташлаб қўйсангиз, албатта адашасиз. Агар Аллоҳнинг фарзига эргашсангиз, зафар қучасиз. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло ғайбларни Билгувчидир».*

Демак, ҳақиқий хайр ва саодат мўминнинг Аллоҳ буюрган амрларга сўзсиз эргашишида ва қайтарган наҳийларидан тийилишида мужассамдир. Ҳақ таоло айтганидек:

﴿وَلَوْ أَنَّهُمْ ءَامَنُوا وَاتَّقَوْا لَمَثُوبَةٌ مِّنْ عِندِ اللَّهِ خَيْرٌ لَّوْ كَانُوا يَعْلَمُونَۙ﴾ (103)

«Қанийди, агар имонга келиб Аллоҳдан кўрқинса, Аллоҳ берадиган савобни яхшилигини билганларида!» (Бақара:103) Яна бир оятда эса:

﴿وَأَن تَصُومُواْ خَيْرٌ لَّكُمْ إِن كُنتُمْ تَعْلَمُونَ﴾

«Рўза тутишингиз сиз учун яхшидир, агар билсангиз», (Бақара:184) деб таъкидланади. Барча бахтсизлик ва ёмонлик эса куфр ботқоғига ботиш ва Раббига осий бўлишдадир. Бу хусусда:

﴿وَلَا يَحْسَبَنَّ الَّذِينَ يَبْخُلُونَ بِمَا ءَاتَاهُمُ اللَّهُ مِنْ فَضْلِهِۦٓ هُوَ خَيْرٌ أَلَّهُمْ بَلْ هُوَ شَرٌّ لَّهُمْۙ﴾

«Аллоҳ Ўз фазлидан берган нарсаларга бахиллик қиладиганлар, бунини ўзлари учун яхшилик деб ҳисобламасинлар. Аксинча, бу улар учун ёмонликдир», (Оли Имрон:180) дея қатъий огоҳлантирилган.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, шаръий матнларда яхшилик ва ёмонликнинг илоҳий мезони белгиланиши асносида, «хайр» ва «шар» калималари баъзан луғавий маънода ҳам қўлланилади. Масалан:



«Биз сизларни ёмонлик ва яхшилик билан синаш учун имтиҳон қилурмиз» (Анбиё:35)

Зеро, инсон ўзи ёқтирмаган ва зарар деб билган нарсалари орқали имтиҳон қилиниши муқаррар. Бундай дақиқаларда мўмин киши воқеликка фақат шаръий мезон кўзойнаги билан қарамоғи лозим. Чунки Аллоҳ ягона Алим ва Хабирдир, манфаат ва зиён фақат Унинг изнидадир. У Зот мўмин бандасини оқибати фақат хайр бўладиган синовлар ила тарбиялайди.

Биз таҳлил қилган ушбу ояти карима Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш фарзлигини қатъий ва шубҳасиз равишда баён этди. Бу — Ҳақ таоло тарафидан белгиланган муқаддас вазифа бўлиб, Ислом нурини инсониятга етказишнинг ягона шаръий йўлидир. Ислом — шундай бир мукаммал мафкураки, у ҳам ғояни, ҳам шу ғояни ҳаётга татбиқ этувчи тариқатни ўз ичига олади. Ҳақ таоло Ўз Расулини ﷺ бутун оламга раҳмат қилиб юборди ва мўминларга бу буюк даъватни жиҳод воситасида ёйишни омонат қилди. Бу муқаддас жараён аввало қалбларни забт этувчи гўзал даъватни, сўнгра Ислом адолати остида омонликда яшашни таклиф этишни, агар бу йўлда тўсиқлар бўлса, уларни бартараф этиш учун жанг қилишни англатади.

Шу сабабли, Исломнинг шавкатли давлати бўлмиш Халифаликнинг ташқи сиёсий йўналиши Ислом даъватини бутун оламга ёйиш пойдевори устига бино қилинади. Давлат бошқа миллат ва халқлар билан муносабатларини айнан шу мезон асосида шакллантиради ва ушбу олий ғояни ҳақиқатга айлантириш учун изчил сиёсий ҳаракатларни амалга оширади. Борди-ю, сиёсий ва дипломатик йўллар натижа бермаса, уруш — улуғвор мақсадга эришиш йўлидаги энг сўнгги ва қатъий чора сифатида майдонга чиқади.

Ҳақ субҳанаҳу ва таолодан ушбу азиз Умматга тез фурсатларда юксак нусрат ва ҳайбатли нуфуз ато этишини илтижо қилиб сўраймиз. Токи, бу муборак Уммат ўз тарихий шавкатига қайтиб, бутун инсониятга ҳидоят, нур ва адолат машъалини таратувчи ҳақиқий пешво ва раҳнамо бўлсин!





Қатар Америка ва Ғарб давлатларининг Ислом оламидаги нуфузини сақлаб қолишга шошилмоқда

«The Wall Street Journal» нашрининг ишончли манбаларга таяниб хабар беришича, Қатар дипломатик делегациясининг Техронга ташрифи АҚШнинг «Апачи» вертолёти уриб туширилганидан сўнг икки давлат ўртасида авж олган ўзаро хужумларни тўхтатишга муваффақ бўлди. Бу ташриф АҚШ Президенти Доналд Трампни Эронга қарши режалаштирилган «шафқатсиз зарбалар»ни бекор қилишга кўндирган.

Нашрнинг «АҚШ ва Эрон қандай қилиб янги уруш остонасидан тинчлик сари юзланди?» номли ҳисоботида айтилишича, Трамп вертолёт кулашидан сўнг Техронга қарши ҳарбий амалиётларни кучайтиришга қарор қилган ва Эроннинг фуқаролик инфратузилмаларига зарба бериш билан таҳдид қилган эди. Техрон эса бунга жавобан Форс кўрфазидаги АҚШ базалари ва унинг иттифоқчиларини нишонга олиш билан таҳдид қилди.

Газетанинг ёзишича, ўтган ҳафтадаги кескинлик чоршанба куни ўзгарган. Қатар делегацияси Техрондан янги тинчлик битими лойиҳаси билан қайтган. Айни дамда Покистон расмийлари ҳам Трампни келишув яқин эканига ишонтиришган, натижада у ўша оқшом ваъда қилган «шиддатли зарбалар»ни бекор қилган.

Шундай бўлса-да, Қатар расмийларидан бири Эроннинг музлатилган миллиардлаб долларлик маблағлари, Хурмуз бўғози устидан назорат ва Эроннинг юқори даражада бойитилган уранидан воз кечиши каби масалаларда ҳамон жиддий ихтилофлар сақланиб қолаётганини таъкидлаган. Воситачилар бўғозни қайта очиш ва АҚШ қамали чекловларини юмшатиш бўйича келишувга яқинлашганликларини, ядровий дастур ва хориждаги активлар масаласи эса кейинги музокараларга қолдирилганини маълум қилишган.



Ал-Ваъй шарҳи: Араб ҳукмдорлари Американи боши берк кўчалардан олиб чиқиш ва Ғарб манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида мана шундай хизмат кўрсатмоқдалар. Уларнинг бу ҳаракатлари Ғарб манфаатларига хизмат қилувчи вазифалардан бошқа нарса эмас. Айнан мана шундай сиёсат туфайли Ислом Уммати парчалаб ташланди, заифлаштирилди ва Ислом шариати ҳаётдан четлаштирилиб, фақатгина шахсий ибодатлар доирасига чеклаб қўйилди.

Америка минтақадаги барча ҳукмдорларга ўз хизматкорларидек қарамоқда

АҚШ Президенти Доналд Трамп Эрон томонидан қўллаб-қувватланувчи Ливаннинг «Ҳизбуллоҳ» гуруҳига қарши курашда Сурия «исроил»дан кўра «яхшироқ натижа» кўрсатиши мумкинлигини таъкидлади.

«Катта еттилик» (G7) саммити доирасида журналистлар билан суҳбатда Трамп Суриянинг муваққат президенти Аҳмад Шаръга ишора қилиб: «Ҳозирда Сурияни бошқараётган одам «Ҳизбуллоҳ»га қарши самарали курашишга қодир», деди. «исроил» йиллар давомида «Ҳизбуллоҳ»ни мағлуб этиш ва Ливандан ракета отилишининг олдини олишга уриниб келаётган бўлса-да, ҳозиргача бу борада тўлиқ муваффақиятга эришгани йўқ.

Трамп «исроил»га «Ҳизбуллоҳ» билан курашиш масаласини Аҳмад Шаръ ихтиёрига топширишни таклиф қилганини айтар экан, Сурия муваққат президентини «мен томонимдан ушбу лавозимга тайинланган шахс» деб атади. Шунингдек, у: «У идеал бўлмаса-да, сафларни бирлаштиришда ажойиб ишларни амалга оширди ва «Ҳизбуллоҳ» масаласини жуда яхши ҳал қила олади. Чунки у уларни ёқтирмайди», дея қўшимча қилди.

АҚШ Президентининг фикрича, «исроил» «Ҳизбуллоҳ» билан жуда узоқ вақтдан бери урушмоқда ва бу жараёнда кўплаб инсонлар ҳалок бўлмоқда. У шунингдек: «Бирор кишини қидираётганда ҳар сафар турар-жой биносини вайрон қилиш шарт эмас, чунки у ерда кўплаб одамлар бор ва уларнинг ҳаммаси ҳам «Ҳизбуллоҳ» аъзоси эмас», деди.

Эслатиб ўтамиз, Сурия муваққат президенти Ливандаги «Ҳизбуллоҳ» билан тўқнашувга киришмоқчи эмаслигини бир неча бор баён қилган эди. Шанба кунги баёнотида у: «Сурия қўшинларининг Ливанга кириши ҳақидаги миш-мишлар ҳақиқатдан йироқ», деган эди.



Ал-Ваъй шарҳи: Трампнинг ҳукмдорлар ҳақидаги очиқ-ойдин гаплари уларни ноқулай аҳволга солиб, асл қиёфаларини фош этмоқда. Илгари парда ортида яширин бўлган сирлар бугун Трампнинг тили билан ошкора айтилмоқда. Ислом олами ҳукмдорлари, турли сиёсий саҳна кўринишлари ва «қатъий позиция» даъво қилувчилар учун бундан ортиқ шармандалик бўлмаса керак!

Иордания ҳукумати пойтахт Аммон марказида Ғазо билан бирдамлик юриши ўтказилишини тақиқлади

Пойтахт губернатори Ёсир Адвон 2026 йил 26 июнь, жума куни Аммон марказидаги «Хусайний» жоме масжиди олдида ўтказилиши режалаштирилган оммавий тадбирни тақиқлаш ҳақида қарор чиқарди.

Мазкур тадбирга «Қаршилиқни қўллаб-қувватлаш ва ватанни ҳимоя қилиш миллий форуми» ҳамда «Иордания миллий халқ fronti» даъват қилган эди. Ушбу оммавий юриш жума намозидан сўнг «Ақсо ва муқаддасотлар мудофааси йўлида, уларни ҳимоя қилишда Ҳошимийлар васийлиги ролини таъкидлаш ҳамда Фаластиндаги сионистик қирғинларга қарши» деган шиор остида ўтказилиши керак эди.

Ташкилотчиларнинг таъкидлашича, бу тадбир Фаластин халқи билан бирдамлик изҳор қилиш, Қуддусдаги исломий ва насроний муқаддас қадамжоларни ҳимоя қилиш ҳамда босиб олинган ҳудудларда фаластинликларга нисбатан содир этилаётган жиноят ва тажовузларни рад этиш мақсадида ташкил этилган.

Ал-Ваъй шарҳи: Ғазони қўллаб-қувватлаш юриши тақиқланган ўша ҳафтада — 2026 йил 23 июнь, сешанба куни эрталаб — пойтахт марказидаги «Ҳошимийлар майдони»да минглаб одамлар тўпланди. Улар шунчаки Жаҳон чемпионати доирасидаги Иордания ва Жазоир терма жамоалари ўртасидаги футбол ўйинини кузатиш учун йиғилган эди. Тўс-тўполонда бир йигит ҳалок бўлди, яна саккиз киши жароҳатланди. Бироқ Иордания ҳукумати бу йиғилишни тақиқламади. Аммо Умматнинг Ғазо ва Фаластин аҳлига нусрат бериш йўлидаги сиёсий иродасини ифода этишига тўсқинлик қилди. Бу эса Иордания режимининг яҳудий вужудини ҳимоя қилиш учун хизмат қилувчи навбатчи югурдак эканини яна бир бор исботлади.



Қирғизистон ҳукумати Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити арафасида провокацион чораларни кучайтирмоқда

Ҳизб ут-Тахрирнинг Қирғизистондаги матбуот бўлими мамлакат ҳукумати томонидан мусулмонларга нисбатан амалга оширилаётган тинтув, ҳибс ва тазйиқлар юзасидан баёнот чиқарди. Унда жумладан шундай дейилади:

Шу йилнинг 31 август куни Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШХТ) аъзо давлатлар раҳбарларининг 25-саммити ўз ишини бошлайди. Мазкур ташкилот ўз вақтида тўртта «хавф» — терроризм, экстремизм, сепаратизм ва наркотрафикка қарши курашиш учун тузилган эди.

Ташкил этилган йилларидан буён ШХТ терроризм ва экстремизмга қарши кураш ниқоби остида мусулмонларни нишонга олиб келмоқда. Сепаратизмга қарши кураш баҳонасида эса Хитойдаги уйғурлар ва бошқа мусулмонлар доимий зулм ва таъқиб остида қолмоқда.

Воқелик шуни кўрсатмоқдаки, Қирғизистон ҳукумати бўлажак саммит мезбони сифатида ўз мажбуриятларини бажаришга эртароқ киришган. Шу доирада улар экстремизм ва терроризмга қарши кураш баҳонасида даъват аҳлини ҳибсга олиш, рейдлар ва хавфсизлик кўринишларини кучайтирди. Жумладан, Ўш ва Боткен вилоятларида ўтказилган «махсус амалиёт» натижасида 31 киши терроризмда айбланиб ҳибсга олингани расман эълон қилинди.

Кўп ўтмай, Бишкек шаҳрида ҳам бир қатор даъват ташувчилар ва муслима аёлларимизнинг хонадонларида асоссиз тинтувлар ўтказилди. Масалан, 2026 йил 12 июнь куни эрталабки соат олтилар атрофида Бишкек шаҳри Свердлов тумани ички ишлар ходимлари бир даъватчи оиланинг тинчини бузиб, алдов йўли билан эшикни очиришган. Улар уй эгасига «машинангизни уриб кетишибди» деб, уни ташқарига чиқишга мажбур қилишган.

Натижада, Эсенбаева Майрамкан исмли синглимиз ташқарига чиқиши билан фуқаролик кийимидаги хавфсизлик ходимлари уни қуршовга олиб, уйга бостириб киришган. Улар худди қароқчилардек хонадоннинг барча хоналарини остин-устун қилиб тинтув ўтказишган. Тинтув давомида ҳомиладор бўлган синглимизнинг туғуруқ учун тайёрлаб қўйган буюмлари ҳам сочилиб, пайҳон қилинган. Оила аъзоларининг эътирозларига эса ҳеч ким қулоқ солмаган.



Уйдан қонунга зид бўлган ҳеч қандай ашё топилмагач, ходимлар қўл телефонларини ва уйдаги кузатув камераларининг хотира қурилмасини мусодара қилишган. Бу ҳодиса оқибатида ҳомиладор синглимиз кучли руҳий изтиробга тушиб, қон босими кўтарилиб кетган. Ҳатто унга дори ичишга ҳам кеч рухсат берилган. Кейинчалик аҳволи янада оғирлашиб, шишлар пайдо бўлгани сабабли шифокорлар кесарево жарроҳлик амалиётини ўтказишга мажбур бўлишди. Ваҳоланки, бу воқеагача унинг соғлиғи шифокорлар назоратида жуда яхши эди.

Ҳизб ут-Таҳрир — Сурия вилояти матбуот бўлимидаги ўзгаришлар

Ҳизб ут-Таҳрир — Сурия вилояти матбуот бўлими ўз раҳбари алмашганини эълон қилди. Баёнотга кўра, 1448 ҳижрий йил 1 муҳаррам, милодий 2026 йил 16 июндан эътиборан устоз Али Мустафо Бакрий Ҳизб ут-Таҳрир — Сурия вилояти матбуот бўлими раиси этиб тайинланди. Баёнотда матбуот бўлимининг собиқ раиси устоз Аҳмад Абдулваҳҳобга кўп йиллар давомида кўрсатган фидокорона хизматлари ва саъй-ҳаракатлари учун миннатдорчилик билдирилди. Шунингдек, Ҳизб ут-Таҳрир — Сурия вилояти билан боғланиш учун янги манзиллар маълум қилинди.



МАРОКАШ РЕЖИМИ САЛИБЧИ ФРАНЦИЯНИНГ «БАРБАРЛАР ФАРМОНИ» ФИТНАСИНИ ҚАЙТА УЙҒОТМОҚДА

Муаллиф: Муножий Муҳаммад

Кофир Ғарб бизнинг муаззам исломий ҳаётимиз харобалари устига бино қилган бугунги турмуш тарзи — залолатнинг айна ўзидир. Мустамлакачи босқинчилар асл давлатимиз — Ислом Хилофати ва иймоний кўрғонимиз ўрнида барпо этган, «миллий давлатлар» деб номланган бу сунъий «қафаслар» мусулмонларни бўлиб ташлаш учун тўқилган мутлақо асоссиз ва ботил уйдирмадир.

Ушбу ботилликнинг энг жирканч ва шафқатсиз киёфаси — замонамизнинг мустабид ҳукмдорларида намоён бўлмоқда. Улар Исломга ва унинг муқаддас Умматига нисбатан адоватда салибчиларнинг заҳарли нафратидан қониб сув ичган, ўзлигидан кечган манқуртлардир. Бу ҳукмдорлар салибчи Ғарбнинг қонли урушларини олиб бориш йўлида ўз умри ва миллатининг келажагини қурбон қилаётган, кофир хожаларининг содиқ қуллари, уларнинг зарбдор қалқони ва вайронкор тўпидир.

Марокашдаги Работ режими Исломга қарши муҳорабада салибчи Ғарб билан бир тану бир жон бўлиб кетганликнинг энг аянчли намунасидир. Ғарбнинг бирор-бир фитнакор сиёсати ёки маккор режаси йўқки, бу малай режим уни «лаббай» деб ижро этмаган бўлсин. Марокаш режими «терроризмга қарши уруш» деган ёлғон ниқоб остида Исломга

қарши очилган жабҳанинг энг олдинги сафларидан жой олди. Улар Американинг «Ранд» корпорацияси каби куфр марказларида ишлаб чиқилган «демократик ва замонавий Ислом» лойиҳасини сув ва ҳаводек қабул қилиб, диннинг асл моҳиятини мустамлакачилар раъйига мослаб бузиб кўрсатдилар.

Бу режим шу билан чекланмай, босқинчи яҳудий вужуди билан алоқаларни нормаллаштиришдек улкан хиёнат ботқоғига ботди. Жамиятнинг маънавий устунларини емириш учун «CEDAW» каби фаҳш ва разолат битимларини қонун даражасига кўтарди. Бугун эса, худди оловга мой сепгандек, қабилачилик ва ирқчилик фитнасини қайта алангалатмоқда. Улар салибчи Франциянинг мусулмонлар орасига нифоқ ва адоват солиш учун ўйлаб топган ўша эски «Барбарлар фармони» (الظهير البربري) мурдасини гўрдан қайта тирилтирмоқдалар. Бундан кўзланган асл муддао —



мусулмонларнинг ақидавий бирлигини парчалаш, Умматни майда бўлақларга бўлиб ташлаш ва бизнинг улуғвор қайта уйғониш — Исломий тамаддун лойиҳамизга тўғаноқ бўлишдир.

Марокашнинг бугунги сиёсий ва маданий манзарасига назар ташлаган ҳар бир онгли инсон жамиятнинг захарли амазийлик ташвиқотиға ғарқ этилганига гувоҳ бўлади. Бу сохта мафкура гўёки янги бир «дин» сифатида халқ онгига зўрлаб сингдирилмоқда. Ваҳоланки, на фикрий ва на маданий асосга эга бўлмаган бу ирқчилик иллоти — ўз вақтида Марокашни қонга ботирган мустамлакачи Франциянинг салибчилик вайроналаридан чиққан бир сарқитдир. Ўшанда Франция ўз босқинчилик ҳукмронлигига ягона тўсиқ бўлган Ислом ақидаси ва муқаддас жиҳод руҳини синдириш учун қабилачилик ва ирқчилик захаридан курол сифатида фойдаланган эди. Бугун эса, ушбу бадбўй наъра Исломнинг қайта ўсиб бораётган нуфузига ва уйғонаётган Умматнинг Хилофат сари ташлаган кадамларига тўғаноқ бўлиш учун гўрдан қайта кавлаб чиқарилмоқда.

Бу фитналарнинг ортида кимлар тургани ҳеч кимга сир эмас. «WikiLeaks» сайти 2011 йилда фош қилган махфий ҳужжатлар ҳақиқатни кўзгудек намоён этди: 2007 йилдаёқ Американинг

Работдаги элчихонаси малайлари минтақадаги «экстремизм илдизлари»ни, яъни Исломнинг асл қувватини қирқиш учун «барбар миллатчилиги» ва «амазийлик кимлиги»ни қўллаб-қувватлашни махфий равишда режалаштирган эдилар.

Бугунги Марокаш режими худди ўша салибчи Франция каби мусулмонларни бир-бирига қайраш, уларни «барбар» ва «араб» деган сунъий тоифаларга ажратиб, орага адоват уруғини сочиш йўлидан бормоқда. Франция 1930 йилда бу ирқий ажрим учун кофирона қонун чиқариб, мусулмонларни парчалашга уринган эди. Хиёнатда пешқадамликни қўлдан бермаётган бугунги малай режим эса, ўша машъум режани қироллик декрети — «Барбарлар фармони» сифатида қайта ҳаётга татбиқ этмоқда.

Ислом ва унинг муаззам Умматига қарши олиб борилаётган бугунги глобал салибчилик муҳорабаси авж олган бир пайтда, мустамлакачиларнинг содиқ гумашталари мусулмон фарзандлари орасига ирқчиликнинг бадбўй захарини пуркамоқдалар. Улар ягона Умматни тилка-пора қилиш илинжида аллақачон ўлиб кетган жоҳилият қолдиқларини ва сассиқ миллатчилик наъраларини қайта жонлантиришга чираниб уринмоқдалар.



Марокашнинг хоин режими мусулмон фарзандлари орасига бадбўй амазийлик (барбарлик) иркчилигини улоқтириб, қалбларда адоват ва нафрат ўтини алангалатмоқда. Бундан кўзланган муддао — муаззам Умматни тилка-пора қилиш, мазлум халқни золим режимнинг жабр-зулмидан ҳамда барча фалокатларнинг асл уяси бўлган кофир Ғарбдан чалғитишдир. Энг мудҳиши ва аянчлиси, мўминларни ўзларининг буюк дини бўлган Исломдан, муқаддас Шариат ҳукмларини ҳаётга татбиқ этишдан тўсиш ҳамда уларни сунъий ирқий тўқнашувлар гирдобига гирифтор қилишдир. Шу йўл билан Аллоҳ ва Расулига хиёнат қилган масхарабоз режимни ҳисоб-китоб қилишдан халқни чалғитиб, уларни ҳақ йўлидан узоқлаштиришмоқда.

Амазийлик наъраси — бу салибчи Ғарбнинг мусулмонлар ақидасига урган заҳарли ханжаридир! Режим бугун ушбу «заҳарли ниҳол»ни кўкартириш учун сарой маслаҳатчиси Андре Азулай, вазир Абдуллатиф Вахбий, вақф вазири Аҳмад Тавфиқ каби бир тўда сиёсий гумашталарни ва сотилган малайларни сафарбар этган.

Ушбу бузғунчи ғоянинг илдизлари мусулмон юртларига қарши қаратилган хунрез салиб юришларига, хусусан, Франция мустамлакачилигининг қора

тарихига бориб тақалади. Бу фитнанинг бош меъмори ва асосчиси — француз жосуси, кейинчалик эса руҳоний ниқобига бурканган Шарл де Фукодир. У XIX аср ниҳоясида яхудий дин арбоби қиёфасида Марокаш кенгликларини кезиб, қабилалар, шевалар ва маҳаллий урф-одатларни айғоқчиларча синчиклаб ўрганган. У муҳит тақозоси билан пайдо бўлган табиий хилма-хилликни атайлаб «ирқий ва маданий фарқ» сифатида талқин қилиб, «барбар миллатчилиги» деган сохта афсонага тамал тошини қўйган.

Бу бадбўй наъра Исломга нисбатан қора нафрат ва салибчиликнинг маккор руҳи билан суғорилган. Жазоир таълимига масъул бўлган мустамлакачи Лугай XIX асрда француз муаллимларида: «Барбарларга араб тили ва Исломдан ўзга барча нарсани ўргатинг», дея қатъий ва машъум кўрсатма берган эди. Шунингдек, кардинал Лавижери 1867 йилги миссионерлик анжуманида барбарларни «ўз цивилизациямизга (яъни насронийлик ботқоғига) қайтаришимиз ва уларни қандай бўлмасин Куръондан узишимиз шарт», дея ўзларининг асл иблисона мақсадларини очиқ-ойдин фош қилган эди.

Мустамлакачи Франция Исломнинг муқаддас тили — араб тилининг



илдизига болта уриш мақсадида «Барбар академияси»ни ташкил этди ва сунъий равишда ясалган «барбар тили» учун лотин алифбосини зўрлаб жорий қилди. 1929 йилда Азру шаҳрида барбар худудларини жиловлаш учун махсус коллеж очилиб, у ерда Исломга ва араб тилига нисбатан қалбида адоват бўлган хоин кадрлар тизимли равишда тайёрланди. 1930 йилда эса машъум «Барбарлар фармони» эълон қилиниб, унга кўра барбар қабилалари орасида шахсий мақом масалаларида Шариат ҳукмлари расман бекор қилинди. Бироқ ўша даврда иймони бут мусулмонлар бу куфрона тажовузга қарши метиндек собит туриб, қаттиқ қаршилик кўрсатган эдилар.

Фитна бу билан тўхтаб қолмади. 1967 йилда Париж университети қошида «Барбар академияси» қайта жонлантирилиб, Салим Шокир каби «маданий малайлар» тарбиялаб чиқарилди. Улар араб тилига сохта рақобатчи сифатида сунъий «амазий тили»ни ва «тифинаг» деб номланган, ҳеч қандай илмий асосга эга бўлмаган тушунарсиз рамзлар мажмуасини ўйлаб топдилар. Бу «махлуқсимон» (مسخ) тил ва сохта маданиятдан кўзланган асл муддао — минтақада француз тилининг мутлақ ҳукмронлигини сақлаб қолиш ва мусулмонларни ўз дини хамда илоҳий тилидан бутунлай бегона қилишдир.

Амазийлик наъраси — бошидан охиригача француз салибчиларининг сиёсий лабораторияларида тўқилган «сунъий махсулот»дир. Франция ўтган асрнинг 70 йилларида Ислом оламида уйғониш аломатлари уфқларда бўй кўрсата бошлагач, Исломнинг қайта тикланишига тўсқинлик қилиш учун ушбу фитнани гўрдан қайта кавлаб чиқарди. Париждаги бир тўда сотилган малайлар воситасида араб тилига зид ўлароқ, худди француз тили каби чапдан ўнгга қараб ёзиладиган сохта алифбо ва сунъий тилни халқ онгига тикиштира бошлади.

Ўтган аср ниҳоясида исломий тамаддун лойиҳаси мусулмонлар қалбида қайта жонлана бошлагач, Марокаш минтақасидаги «вазифадор» малай режимлар амазийлик наърасидан Ислом ақидаси ва маданиятига зарба бериш куроли сифатида фойдаланишга киришдилар. Жазоир режими 1995 йилда Умматнинг уйғонишига қарши «Амазийлик олий муҳофазаси»ни ташкил этди. Марокашнинг хоин режими эса Ғарбнинг Исломга қарши бошлаган «терроризмга қарши уруш»ига садоқат билан қўшилиб, 2001 йилда қирол Муҳаммад VIнинг фармони билан «Амазий маданияти қироллик институти»га асос солди. Ундан кўзланган ягона мақсад — ушбу сохта тил ва маданиятни таълим



тизими, ОАВ ва жамият онгига заҳар каби сингдириш эди.

Бугунги кунда Марокаш режими ўз назоратидаги ОАВлар ва сарой хизматидаги мунофиқ зиёлилар тўдаси орқали: «Амазийлик — Марокаш аҳлининг ягона ва муқаррар ўзлигидир», деган заҳарли ғояни тинимсиз халқ онгига сингдирмоқда. Улар мўминларнинг қалбидан исломий ақидавий мансублик туйғусини супуриб ташлашга, бу фитнага қарши чиққан ҳақгўйларни эса «хоин» деб тамғалашга чираниб уринмоқдалар.

Аслида, амазийлик наъраси ҳеч қачон миллий ўзликни барпо этиш воситаси бўлмаган, балки у исломий яхлитликни парчалаш ва йўқ қилиш учун мўлжалланган заҳарли қуролдир. Ислом географиясидаги барча миллатчилик, ирқчилик ва қабилачилик иллатлари — хоҳ у турончилик, хоҳ арабчилик бўлсин — Ислом давлати ва жамиятини нимталаш учун инглиз ва француз мустамлакачилари томонидан «бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил» деган шайтоний қоида асосида экилган заҳарли уруғлардир.

Мустамлакачи Франция бу наъралардан мусулмонлар ўртасидаги ноёб ва мустаҳкам биродарлик ришталарини кемириш, қалблардаги меҳр-муҳаббатни нафратга айлантириш ҳамда

ерларимизни осонгина босиб олиб, бойликларимизни талон-торож қилиш учун фойдаланган. Марокашдаги бугунги «вазифадор» режим эса мустамлакачиларнинг ана шу лаънати сиёсатини изчил давом эттириб, уларнинг ҳар бир маккор режасини сўзсиз ижро этмоқда.

Амазийлик ҳеч қачон муайян бир халқнинг тили, маданияти ёки тамаддуни бўлмаган. Тилшунослик ва тарих мезонлари асосида қараганда, на қадимги ва на яқин тарихда «тифинаг» деб аталаётган алифбонинг бирор-бир илмий изи мавжуд эмас. Бу алифбо — аслида сиёсий мақсадлар йўлида француз салибчилари томонидан шошилиш равишда ўйлаб топилган «сунъий маҳсулот»дир. У тил илмига мутлақо алоқаси бўлмаган, қадимги Ғарб тилларидан олинган геометрик шакллар йиғиндиси бўлиб, ҳеч қандай тил илдизига эга эмас.

Француз салибчилари атайлаб бу сунъий товушлар тўпламини «тил» даражасига кўтаришга уриниб, уни исломий Марокаш заминига заҳарли тикандек улоқтиришди. Бундан мақсад — араб тили ва исломий ақидага зарба бериш орқали буюк исломий тамаддунни ва мусулмонларнинг бирлигини чил-парчин қилишдир. Бу сунъий «тил»нинг на ўтмиши, на грамматик пойдевори, на балоғати ва на адабий мероси бор. Бу тилда битилган



бирорта жиддий илмий манба, луғат ёки муаллиф мавжуд эмас. У шунчаки муаззам араб тилига сунъий рақобатчи қилиб яратилган, хувуллаб ётган «тил саҳроси»дир.

Марокаш заминининг ранг-баранг кабилалардан таркиб топгани ва уларнинг ўзига хос лаҳжалари (хоҳ у Риф бўлсин, хоҳ Зиян ёки Сус) аслида Яратганнинг бир ҳикматидир. Бироқ ушбу турфа хил томирларни бирлаштириб, ягона муаззам вужудга айлантирган ягона тил — бу уларнинг эътиқоди, ибодати ва илоҳий Калом тили бўлган араб тилидир. Аммо кофир салибчилар бу ийманий бирликни кўра олмай, мусулмонларни «амазийлар» деб сунъий тоифаларга ажратишди. Улар халқнинг онгига сохта алифбо, тўқима маданият ва уйдирма тарихни заҳарли томчидек сингдиришга зўр бериб уринмоқдалар. Марокашдаги «вазифадор» малай режим эса бу фитнани ўзлаштириб, Париждаги лабораторияларда пиширилган машъум нусхага маҳаллий лаҳжаларни «ямаб», «амазий тили» деган сунъий кимликни мусулмонларнинг томоғига мажбурлаб тиқиштирмоқда.

Бу амазийлик наъраси — ҳар қандай зиндиқалик, куфр ва залолат учун қулай бир «идиш» вазифасини ўтамоқда. Аслида тил — маданият ва тафаккурнинг хазинасидир. Лекин

бугунги «амазийлик» ташвиқотида на фикрий, на ҳуқуқий ва на адабий мерос бор. У шунчаки қуруқ товушлардан иборат «хувуллаб ётган бўш идиш» бўлиб, мустамлакачилар унинг ичига Исломга қарши бўлган ҳар қандай бузғунчи ғояни тўлдиришни кўзлаганлар.

Ушбу маккор лойиҳанинг асл муддаоси — мусулмон фарзандларини ўз динларининг мағзини чақишдан маҳрум қилишдир. Зеро, илоҳий динни англашнинг ягона калити — Қуръон ва Суннат тили бўлган араб тилидир. Муқаддас тилдан узилган авлод ўз динининг салобати ва улуғлигини ҳис қила олмайди, шаръий ҳукмларни истинбот қилиш лаёқатини йўқотади ва оқибатда ижтиҳод эшиклари улар учун абадий ёпилади.

Хулоса қилиб айтганда, амазийлик фитнаси шунчаки тилшунослик баҳси эмас, балки Ғарбнинг Исломга қарши олиб бораётган «мавжудлик уруши»нинг энг хавфли жабҳасидир. Бу лойиҳа мусулмонларни сунъий «қафас»ларга бўлиб ташлаш ва уларни ўзларининг буюк динига ҳамда ушбу диннинг фикрий пойдевори бўлган араб тилига ашаддий душман қилиб тарбиялашга қаратилгандир. Салибчи Ғарб ва унга малай бўлган бу зарарли режимлар бизни турли фирқаларга, ўзаро қирпичоқ бўлувчи гуруҳ ва



тоифаларга парчалаб ташлашни истайди. Улар ўзлари учун асло раво кўрмаган тангликни биз мусулмонларга раво кўрмоқдалар. Кофир Ғарб давлатлари ҳеч қачон ўзларини тил ёки маданият жиҳатидан нимталашга йўл қўймайдилар. Масалан, лаънати Франция тарихига назар солсак, XVI асрда қирол Франсиск I давлат ва жамиятни мустаҳкамлаш учун Париж лаҳжасини ягона француз тили деб эълон қилиб, бошқа барча шеваларни аёвсиз йўқ қилган эди. Аммо айнан ўша мустамлакачи кофирлар бугун бизнинг ичимизда сунъий лаҳжаларни пайдо қилиб, бизга ўзларининг француз тилини зўрлаб сингдирмоқдалар. Улар бизнинг асл ўзлигимиз — Ислом ва исломий тамаддун байроғи бўлган араб тилига қарши аёвсиз уруш очдилар. Мақсад битта: бизни мустамлакачи хожаларнинг ишорасига қараб иш тутадиган, иродасиз, тарқоқ ва ўзаро низолашувчи оломонга айлантиришдир!

Эй мусулмон фарзандлари! Эй инсоният саодати учун майдонга чиқарилган энг хайрли Уммат вакиллари!

Аллоҳга қасамки, бизнинг муаззам динимизда наслу насаб ёки қон-қариндошлик ҳеч қачон инсонларни улуғлаш мезони бўлмаган ва бўлмайди ҳам! Сизнинг ҳақиқий

азизлигингиз, икки дунёдаги шарафингиз фақат ва фақат Холиқингиз сиз учун рози бўлган иймон ва Исломдадир! Раббимиз марҳамат қилади:

﴿يَا أَيُّهَا النَّاسُ إِنَّا خَلَقْنَاكُمْ مِنْ ذَكَرٍ وَأُنْثَىٰ وَجَعَلْنَاكُمْ شُعُوبًا وَقَبَائِلَ لِتَعَارَفُوا إِنَّ أَكْرَمَكُمْ عِنْدَ اللَّهِ أَتْقَاكُمْ﴾

«Эй инсонлар! Дарҳақиқат, Биз сизларни бир эркак ва бир аёлдан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишишингиз учун сизларни турли халқлар ва қабилалар қилиб қўйдик. Албатта, Аллоҳ наздида энг ҳурматлироғингиз — тақводорроғингиздир!».

(Хужурот:13) Демак, бизни бирлаштирувчи куч қон эмас, балки Аллоҳдан кўрқиш ва Унга бўлган садоқатдир!

Эй Марокашдаги мусулмон биродарлар! Сизни парчалашга уринаётган бу малай режимларнинг бадбўй жоҳилият наъраларини оёқ ости қилиб улоқтиринг! Асоси ва дунёқараши куфр бўлган дунёвийликни (секуляризмни) ҳамда унинг машъум ҳосиласи бўлган миллатчилик, ирқчилик ва қабилачилик иллатларини қатъий рад этинг! Хоҳ у арабчилик бўлсин, хоҳ амазийлик, рифчилик ёки сахройлик — буларнинг барчаси ягона Уммат вужудига сочилган заҳарли уруғлардир. Бу заҳарлардан



фақат Ислом ақидасига қайтиш билангина нажот топиш мумкин!

Сарвари коинот, Пайғамбаримиз ﷺ сизларни жоҳилият асабиятидан, яъни миллатчилик ва гуруҳбозлик балосидан қаттиқ огоҳлантирганлар! Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.) ривоят қилган ўша машҳур воқеани ёдга олинг: муҳожир ва ансорлар ўртасида низо чиқиб, ҳар ким ўз тоифасини ёрдамга чақира бошлаганда, Набий ﷺ қаттиқ ғазабландилар ва: **«Ҳали ҳам жоҳилият даъвосини қияпсизларми?! Уни дарҳол тарк этинглар, чунки у сассиқ ва жирканч нарсадир!»** дея хитоб қилдилар. Эй мўминлар! Расулуллоҳ ﷺ «сассиқ» деб атаган бу миллатчилик иллатига қандай қилиб яна кўл уришингиз мумкин?! Шунингдек, Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ ﷺ шундай дедилар: **«Одамлар вафот этиб кетган ота-боболари билан фахрланишни тўхтатсинлар! Зеро, улар жаҳаннамнинг кўмиридан бошқа нарса эмаслар!»** Агар инсон Ислом билан азиз бўлмаса, Аллоҳ наздида ахлат титкилайдиган кўнғиздан ҳам пастроқдир! Аллоҳ таоло сизлардан жоҳилият кибрини ва аجدодлар билан мақтаниш иллатини супуриб ташлади. Энди мезон битта: ё сиз Аллоҳдан кўрқадиган тақводор мўминсиз, ёки Аллоҳга осий бўлган бадбахт фожирсиз! Тамом!

Барча инсонлар Одам болаларидир, Одам алайҳиссалом эса тупроқдан яратилган!

Эй мусулмонлар! Бу сохта «амазийлик» даъвосини дарҳол тарк этинг! Бу шунчаки оддий бир чақириқ эмас, балки мустабид режимнинг қалбингиздаги иймонни ва ақлингиздаги Ислом нурини суғуриб олиш учун ишлатаётган маккор куролидир! Билиб қўйингки, бу оқим вакиллариининг онгига сингдирилган заҳарли ғоялар — мусулмонлар орасига қаттиқ адоват солиш учун француз салибчилари томонидан тўқилган ёлғон ва уйдирмалардир. Улар сизни ўзлигингиздан айириб, хожаларига осон ўлжа қилишни истайдилар!

Бу салибчилик сиёсати ўз вақтида ота-боболарингизнинг темирдек мустаҳкам иймони ва Ислом ақидасининг салобатига урилиб, чил-парчин бўлган эди! Ўшанда Франция араб тили ўрнига француз тилини зўрлаб сингдирмоқчи бўлганида, аждодларингиз Ислом байроғини баланд тутган эдилар. Сиз ҳам ўша буюк аждодларга муносиб авлод бўлинг! Ҳар қандай иркчилик ва амазийлик наърасини қатъий рад этинг! Орангизга нифоқ солаётган ва муқаддас Исломингизга қарши яширин уруш олиб бораётган бу жинояткор ва хоин режимни қаттиқ муҳосаба қилинг! Мана шундагина нажот топасиз!



ЯҲУД ЎЗИНИ БУЮК САНАЙ БОШЛАДИ: БУ УНИНГ ЗАВОЛИДИР!

Бугунги кунда халқаро тизим емирилмоқда. Бу жараён ҳар доим ҳам шовкин-суронли тарзда кечмаяпти. У кўплаб соҳаларда тўпланиб қолган дарзлар, Америка гегемонлигининг босқичма-босқич заифлашиши ҳамда қайта шаклланаётган дунёда ўз ўрнини излаётган давлатлар ва кучлар ўртасидаги шиддатли рақобат қиёфасида намоён бўлмоқда. Бундай лаҳзаларда умматлар ўзлари эга бўлган орзу-истаклар билан эмас, балки сиёсий иродаси ва тарихий имкониятлар саҳифаси ёпилмасдан олдин уларни қўлга кирита олиш қобилияти билан ўлчанади.

Бироқ исломий дунёдаги фожиа куч-қудрат унсурларининг йўқлигида эмас. Балки ушбу куч-қудратни кўрмайдиган, агар кўрса ҳам уни қўллашга журъат қилолмайдиган ҳукмдорларнинг мавжудлигидадир.

Мана, Покистон. У ўзининг инсоний, ҳарбий салоҳияти ва стратегик мавқеига қарамай, Умнат ва унинг манфаатлари томонида туриб, етакчилик ролини бошлаш ўрнига, хануз Америка манфаатлари ритми билан ишлайдиган воситачилик гирдобига тортилмоқда. Миср эса ўзининг тарихий, сиёсий ва жўғрофий вазнига қарамай, бурилиш лаҳзасини кўра олмаяпти. Қарам кимса келажак барпо эта олмаслигини, балки фақат ўз хўжайинининг кулашини кечиктиришини англаб етиш ўрнига, у хануз туб масканларда Америка таъсирининг дарз кетган жойларини ямашга интилмоқда.

Албатта, Ислом дунёсининг қутбларида жўғрофия ҳам, бойликлар ҳам, халқлар ҳам, армиялар ҳам кам эмас. Бироқ уларда бир нарса етишмаяпти: ўз-ўзига тўғри баҳо берадиган, Умнатнинг тарихдаги бир хом ашё эмас, балки тарих ясовчи бўлишга ҳақли эканига ишонадиган етакчилик.

Ҳукмдорларга келсак, қарамлик уларнинг нафсини шу қадар кичрайтириб юбордики, улар ўзларини фақат хизматкор, ўз юртларини эса хизмат кўрсатиш майдони, Умматни жиловлаш шарт бўлган омма деб биладиган бўлиб қолди.

Шунга қарамай, имконият бой берилгани йўқ. Балки Умнат бугун ўз тарихидаги энг буюк озодлик лаҳзаларидан бирининг остонасида турибди. Дунё қайта шаклланаяпти, Америка гегемонлиги емириляпти, сиёсий бўшлиқ кенгаймоқда. Ислом Умматининг ўзини қулаётган арава томон судраётган ҳукмдорларнинг иродасига боғланиб қолиши эса катта шармандалиқдир. Дард — ҳукмдорларда, даво эса — Умнатнинг онгида. Яъни хиёнат мавқеини фош қиладиган, куч-қудрат манбаини англаб етадиган ва қарамлик мақомига рози бўлиш мумкин эмаслигини тушунадиган онг керак.

АДЛ ВА БАРЧА РЕЖИМЛАРНИ КЎМАЖАК РОШИД ХАЛИФАЛИК!

Ҳизб ут-Таҳрир марказий матбуот бўлими Миср президенти томонидан жонлантиришга уринилаётган Араб Давлатлари Лигасига (АДЛ) нисбатан тўғри ва шаръий позиция ҳақида баёнот чиқарди. Унда жумладан шундай дейилади:

Сисининг Араб Лигаси ролини фаоллаштириш ва уни тирик сақлаб қолишга бўлган иштиёқи — Умматни парчаланган, кучсиз ва мустамлакачи кофирга тобе ҳолда сақлаб қолиш истагидан келиб чиққандир. Зеро, Араб Лигаси «давлатлар мустақиллигини ҳурмат қилиш» ниқоби остида мусулмон юртлари ўртасидаги бўлинишни мустаҳкамлаш асосига қурилган. Бу дегани — ҳар бир давлатнинг алоҳида чегараси, байроғи ва конституцияси бўлишини ҳимоя қилиш, бу воқеликни ўзгартиришга бўлган ҳар қандай уринишни эса «давлат суверенитетига дахл қилиш» деб ҳисоблашдир!

Бу ташкилот мустамлакачи Ғарб томонидан Аллоҳ мусулмонлар учун фарз қилган ягона бирлик тизими — Халифаликка муқобил (ўринбосар) сифатида яратилган. Расулуллоҳ ﷺ айтганлар: **«Агар икки халифага байъат берилса, уларнинг кейингисини ўлдиришлар»** (Муслим ривояти). Яна айтганлар: **«Кимки ишингиз (бирлигингиз) бир киши атрофида бирлашиб турганда келиб, сафингизни бўлишни ёки жамоатингизни парчалашни истаса, ким бўлишидан қатъи назар, уни қилич билан чопинглар!»** (Муслим ривояти). Бу ва бошқа ҳадислар Умматнинг битта Халифа, битта байроқ ва битта конституция (Қуръон ва Суннат) остида бирлашиши вожиб эканини кўрсатади.

Араб Лигасининг тарихи эса хиёнат ва хорликка тўладир. У Фаластин, Сурия, Судан, Ливия, Яман ва Ироқ каби юртларда мусулмонлар қирғин қилинаётганда, аёллар ва қариялар ҳайдалаётганда бармоғини ҳам қимирлатмади. Фақатгина душманни тўхтата олмайдиган куруқ баёнотлар билан чекланди. Фаластин масаласида эса яҳудийларнинг манфаатига хизмат қилувчи «Араб тинчлик ташаббуси» каби хиёнаткор лойиҳаларни биринчи бўлиб қабул қилди.

Умматнинг вазифаси Араб Лигасини жонлантириш эмас, балки уни тарихнинг қора саҳифаларига дафн қилишдир. Чунки у ҳеч қачон Умматга фойда келтирмаган, балки Америка ва Ғарбнинг мустамлакасини давом эттириш учун бир қурол бўлиб хизмат қилган, холос. Уммат бу ташкилот ва барча зарарли режимлар ўрнига Пайғамбарлик йўли асосига қурилган Рошид Халифаликни барпо этиши шарт. Фақат Халифаликкига Умматни бирлаштиради ва уни зафар ҳамда азизлик сари етаклайди.

«Ал-Ваъй» (Онг) журнали расмий манбалари:

- Веб-сайт: www.al-waie.org
- Facebook: <https://www.facebook.com/alwaie.info>
- X (Twitter): <https://x.com/alwaiemagazine>
- Instagram: <https://instagram.com/alwaiemagazine>
- Dailymotion: <https://dailymotion.com/alwaiemagazine>